O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2002-yil, 8-fevral • N 7 (3643)

## 9 феврал — Алишер Навоий туғилган кун

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири

# «...ҚИЛҒОНЧА БОРДУР ЯХШИЛИҒ»



Халқимиз ўзининг улуғ фарзанди Алишер Навоийнинг номини асрлар оша қалб гавҳари янглиғ асраб-авайлаб келмоқда. Бироқ бошимизга тарих солган ранжу балолар туфайли биз қадриятларимиздан узоқлашиб ҳам қолган эдик. Демакким, Навоий бобомиз ижодий мероси ҳам ёдгорлик рамзига айлана бошлаган эди.

Мана, ниҳоят замонлар эврилиб биз яна қадриятларимизга, яъникимбуюк Навоийга ҳам қайтадан яқинлашиб бормоқдамиз. Бу улуғ жараён давлат сиёсатига айланди. Бу жараён мамлакат Президентининг диққат марказида турибди. Биргина ўтган йили бобомиз номидаги шаҳарда ҳазратга қўйилган улкан ёдгорлик мажмуини эслатиб ўтишим мумкин.

Навоийни англаш ўзлигимизни англаш эканлигини тобора теранроқ тушуниб бормоқдамиз. Биз бу муқаддас кўникмаларни ёш авлодлар шуурига ҳам сингдиришга ҳаракат қилаётирмиз.

Хуллас, биз энди Навоийни тушуниш даражасига кўтарилишимиз лозимлигини билиб қолдик. Тўғри, буюк шоир ижоди олимлар тарафидан тадқиқ этилган ва тадқиқ этилаётир. Тўғри, шоир ғазаллари мусиқа оламини безаб турибди. Бироқ биз бу улуғ зот ҳаёти ва ижодидан келиб чиқадиган кўпгина ибратларга ҳам эътибор беришимиз шарт, деб ўйлайман. Авваламбор, Алишер Навоий юксак маърифат эгаси, теран маънавият соҳиби, одамийлик тимсоли бўлган улуғ шахсдир. Навоий ўз ҳаёти давомида муттасил равишда турли низо ва можароларни омон-омонлик билан ҳал қилиш учун ўша давр раҳнамоларига кўмак берди. Юртда тинчлик тушунчасини шиор эмас, олий зарурат деб билди ва шу йўлда курашди.

Бу улуғ шоир ижодий маҳсулидан қатъи назар, бениҳоя донишманд инсон эди. Айтган гапни айт, айтмас гапдан қайт, қабилида иш юритган бу доно зотнинг ҳар бир хатти-ҳаракати биз учун ибрат бўла олади. Наинки айрим шахслар, наинки айрим гуруҳлар, ҳатто баъзан халқлар ўртасида низою нифоқлар чиқаришга уриниб, ер юзини безовта қилаётган бугунги тўдаларга ҳам Навоий бобомизнинг кўшкларига битилган ушбу мисралар жавоб эмасми:

***Олам аҳли,***
***билингизким,***
***иш эмас душманлиғ,***
***Ёр ўлунг,***
***бир-бирингизгаки,***
***эрур ёрлиғ иш.***

Мен бу ўринда Навоий бобомизнинг нафақат ижоди, балки ҳаётий фаолиятлари ҳақида сўзлаётирман.

Иккинчидан, Алишер Навоий ўзининг буюк истеъдоди билан ўша даврдаёқ адабиётимизни ўртамиёначилик ботқоғидан олиб чиқиб кетди. Сўзни илоҳий деб билди. Икки сўзни бир амаллаб қофиялаб, саёз, сийқа фикрларни шеърият деб кўтариб юрганлар ҳозир кўп бўлгани сингари, ўша даврда ҳам мўл эди. Навоий шеърият қофиябозлик эмас, балким улуғ санъат эканлигини ҳар бир сатри орқали исботлади. Ҳазратнинг бирор байти йўқки, унда доҳиёна ташбеҳлар учрамасин. Масалан, ёрнинг лабига учуқ тошган ҳолатни Навоий, мана қандай, лутфу назокат, мутойиба билан тасвир этадилар:

***Эрмас учуқ, шакарга ёпишти***
***чибин пари,***
***Икки лабим била они олсам***
***дудоғидин.***

Асл шеърият мактабини ўтмаганлар бугун ҳам Навоийдан ўрганиб, унинг даҳоси қошида ҳушёр турсалар яхши бўларди.

Нонни азиз билган "нон" деган сўзни ҳам азиз билади. Модомики, шундоқ экан, биз Навоий бобомизга наинки улуғ шоиримиз, балки обрўйимиз, шону шавкатимиз, дахлсиз мартабамиз, савиямиз мезони сифатида ҳам қараймиз. Шу маънода бобомиз ҳақида бирор асар ёзишга киришганда уни уддалай оламизми ёхуд Навоий мукофотига номзодимиз қўйилса, унга муносибмизми-йўқми — ўйлаб кўришимиз керак.

***Турфа, кўрким, халқ коми бирла***
***умрим бўлди сарф —***

дея ёзган шоир, ҳақиқатан ҳам, бутун ҳаёти ва ижодини халққа бахшида этган эди.

Алишер Навоий ўзбекнинггина эмас, балки бутун инсониятнинг буюк фарзанди бўлиб турибди. Бобомизга эҳтиромимиз туганмас ва абадийдир. Мана қўшни диёрларга тинчлик замонлари келди. Эндиликда биз улуғ ҳазратнинг қабрларини ҳам обод ҳолда кўришни хоҳлаймиз. Зеро, дунёда инсонлар бир-бирларига яхшилик қиладиган замонлар етиб келди, десак бўлар. Бунга инсонларни тарихий вазиятларнинг ўзи ундаётир.

Навоийнинг яхшилик қилмас экансан, ҳеч курса ёмонлик қилма, деган нидоси бугун ҳам жаранглаб турибди:

***Яхшилиғ гар қилмаса, бори***
***ёмонлиғ қилмаса,***
***Ким ёмонлиғ қилмаса, қилғонча***
***бордур яхшилиғ.***

Абдураҳмон ЖОМИЙ

## ЖАҲОН БОР БЎЛАЖАК — СЎЗ ҚОЛАЖАК!

*«Хираднномаи Искандарий»дан*

**Кел, эй Жомий, сен умрлар қийнаб жонни,**
**Ўз табъингдин яратолдинг беш достонни...**

**Ганжали шер беш достонга асос қурган,**
**Навоийдир панжасига панжа урган.**

**Лекин туркий тилда келди бу нақш ажаб,**
**Бу сўз Даман* жодусида боғлагай лаб.**

**Осмондин мақтов ёғсин у қаламга,**
**У қаламдин келди гўзал сўз оламга.**

**Кечирсинлар форсий тилда зар терганлар,**
**Дари тилда назм инжусин келтирганлар.**

**Агар у ҳам назмин ёзса дарий тилда,**
**Қолмас эди сўз айтишга куч ҳеч кимда...**

**Бошқа тилда нуқталарни сўйлади ул,**
**Ақл учун етукликка қолмади йўл.**

**Сенинг юксак табъинг билан сўз устоди,**
**Қаламингнинг калиди-ла сўз кушоди.**

**Сўз юзининг порлоқлиги ўчган эди,**
**Хазина ҳам юкин боғлаб кўчган эди.**

**Сўзамоллик майдонига сен сурдинг от,**
**Қайта бошдин сўзнинг юзи порлади бот.**

**Сенинг ақлу фикринг билан сафо топди,**
**Э, Навоий, лутфинг билан сафо топди.**

**Бу кўчатга назмларни еткуриб мен,**
**Юрак қони билан мева биткуриб мен.**

**Сўз айтишдан бошқа эмас бунда сабаб,**
**Билимдонлик дастурида мен очдим лаб.**

**Мен буларни шу тартибда тузарканман,**
**Ҳеч кишидан эҳсон, таҳсин кутмаганман.**

**Кирим жойи бўлган ердан чиқмас эҳсон,**
**Нима фойда таҳсин айтса сенга нодон?**

**Сўз, лутф ила мақтовларинг қилдим, лекин**
**Ўз билгумнинг кўрсатолдим сенга чекин.**

**Молу давлат жонга жуда яқинроқдир,**
**Тилаган сўз ҳаммасидин яхшироқдир.**

**Ҳамма нарса бу дунёдин йўқолажак,**
**Лекин жаҳон бор бўлажак — сўз қолажак!**

**Ғафур ҒУЛОМ** таржимаси

* **Даман** – Шимолий Эрондаги бир тоғнинг исми.

# ЭЛЧИ — АДИБЛАР МЕҲМОНИ

*Ёзувчилар уюшмасида*

Ўтган жума куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Литва республикасининг Ўзбекистон, Озарбойжон ва Туркиядаги мухтор элчиси Галина Кобецкайте меҳмон бўлди. Г. Кобецкайте ўзбек адиблари асарларининг моҳир таржимони ҳамдир.

Учрашувни уюшма раиси, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов очди ва элчининг бундай хайрли ишларини мамнуният билан таъкидлади. Г. Кобецкайте ўзи асарларини таржима қилган Ўзбекистон халқ ёзувчилари — Одил Ёқубов ва Пиримқул Қодиров билан мулоқотда бўлиб, бадиий таржима хусусида фикр алмашди. Таржимон ўзбек адибларининг асарлари литвалик китобхонларда катта қизиқиш уйғотганлигини эътироф этди.




Г. Кобецкайте илгари Ўзбекистонда яшаган, ўзбек тилини яхши билади. Шу пайтга қадар у ўзбек ёзувчиларининг ўн қисса ва романини Литва китобхонларига армуғон этган. Улар орасида Асқад Мухтор, Ўлмас Умарбеков, Одил Ёқубов, Пи-римқул Қодиров каби ёзувчиларимизнинг машҳур китоблари бор.

Ҳақиқий таржимонлар халқларни бир-бирига яқинлаштирувчи маънавият элчиларидир. Ана шу фикр учрашувнинг мазмунини ташкил этди. Ижодий фаолиятини таржимон сифатида маънавий элчиликдан бошлаган Г. Кобецкайте ҳозир Литва давлатининг мухтор элчиси бўлиб Ўзбекистонга келганлиги ва икки мамлакат ўртасида иқтисодий-маданий ҳамкорликни ривожлантиришга амалий ҳисса қўшаётганлиги қувонарли ҳодиса эканлиги учрашувда алоҳида таъкидланди.

**С.ОЛЛОЁР**

## БИЛДИРИШ

14 феврал — пайшанба куни соат 14.30да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида шеърият кенгашининг анъанавий йиллик ҳисобот йиғилиши бўлади. Маърузачи – филология фанлари доктори Нўъмон Раҳимжонов.

Ёзувчи-шоирлар,ноширлар, журналистлар ва адабиёт ихлосмандларини таклиф этамиз.

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси шеърият кенгаши.**

## Бу сонда:

САҲАРДА ЁЗИЛГАН ҒАЗАЛ ёхуд Муҳаммад Паҳлавоннинг ҳазили → 2

НАВОИЙ САБОҚЛАРИ → 3



УНУТИЛМАС СОРА ОПА → 4



# ИЖОДКОРЛАРГА МУКОФОТЛАР

Ўтган шанба куни пойтахтдаги Марказий офицерлар уйида Қуролли кучларимизнинг 10 йиллигига бағишлаб Мудофаа вазирлиги ва мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти томонидан ўтказилган "Ватан ҳимоясида" танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлди.

Тадбирга пойтахт жамоатчилиги ва ҳарбий сулолаларнинг вакиллари, ёш зобитлар, ижодкорлар ташриф буюрдилар. Ҳарбий оркестр ҳамда хушовоз хонандалар ижросидаги куй-қўшиқлар тантанавор руҳ бахш этган маросим машҳур "Мен нечун севаман Ўзбекистонни" шеъри садолари билан бошланди. Таниқли шоир Ҳусниддин Шарипов "Ватан таянчлари" туркуми, Бобокалон Рўзиев эса "Албатта генерал бўламан" китоби учун танловнинг бош совринларига сазовор бўлишган. Уларга мукофотларни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов топширди.

Шундан сўнг киносанъаткорлар — Ю. Розиқов, Ш. Маҳбубов, бастакорлар — Ҳ. Раҳимов, А. Маллабоев, ижрочилар — Ш. Дадажонов, М. Ҳакимов, телевидение ходимлари — Р. Жумаев, Б. Йўлдошев, журналистлар — А. Сафаров, Н. Бердиева ва бошқа муаллифларга мукофотлар ҳамда "Ватанпарвар" ташкилотининг дипломлари тантанали равишда топширилди. Улар яратган асарлар Қуролли кучларимиз таркиби ва умуман ёш авлодни ҳарбий ватанпарварлик руҳида камол топтиришда алоҳида салмоқ касб этади, деб ишонч билдирилди.

# МАДАНИЙ ҲАЁТ

Бастакорлар уюшмасининг яқинда бўлган йиғилишида мусиқа ижодкорларининг бу йилги вазифалари юзасидан ташкилий-ижодий тадбирлар ишлаб чиқилди. Наврўз шодиёналарини муносиб кутиб олиш ҳамда анъанавий III халқаро симфоник мусиқа фестивалига тайёргарлик режалари муҳокама қилинди.

**М. НАБИЕВА**

***

«Туркистон» саройида миллий эстрада қўшиқлари I республика танлови ташкилий қўмитаси ва ҳайъат кенгашининг йиғилиши бўлди. 10—13 феврал кунлари ўтадиган мазкур танловга тайёргарликка доир ташкилий-ижодий ишлар муҳокама этилди.

«Азиз она юртим наволари» деб номланган ушбу танловни «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг «Ёшлар» телеканали билан ҳамкорликда ўтказади.

***

Самарқанд вилоят қўғирчоқ театрида С.Азимов асари асосида «Учар гилам» спектакли саҳнага қўйилди. Абдурасул Бобоалиев саҳнага қўйган мазкур асар болаларни аҳилликка ва иноқликка даъват этади.

**М.КАРИМОВА**

***

Юртимизнинг шаҳар ва қишлоқларида буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллуди муносабати билан турли тадбирлар, навоийхонлик кечалари ўтказилмоқда. Тошкент вилояти «Турон» кутубхонасида ҳам улуғ шоир таваллудининг 561 йиллигига бағишланган анжуман бўлди. Унда ёзувчилар, олимлар, санъаткорлар иштирок этдилар.

# КИТОБ ЎҚИГАННИНГ ҚАЛБИ

*Қуюнчак газетхон ёзади*

Илгари уйда, кўча-кўйда, ҳатто транспортда китоб ўқиётган одамларни кўрсам, энсам қотарди. Китобга бунча ёпишишар экан булар, деб қўярдим ўзимча. Ўзимни тутишим ҳам шунга яраша эди. Икки йил бурун касалхонага тушиб қолдим. Икки кишилик палатада ўн етти кун даволанишимга тўғри келди. Шеригим 65-70 ёшлардаги бир отахон эди. Касалхона барибир касалхона-да. Бир-икки кун ўтгач, зерика бошладим. Аксига олиб шеригим жуда камгап, китобдан бош кўтармайдиган одам экан. Ўн саволимга битта жавоб оламан.

Бир куни отахон "Ўзингни ҳар ерга ураверганча китоб ўқисанг бўлмайдими", деб қолдилар. Кейин қўлимга Валентин Распутиннинг китобини берди. Тўғриси, отахондан уялганимдан уни аста варақладим. Ундан ёзувчининг "Омон бўлсанг, унутма" ва "Сўнгги муҳлат" асарлари ўрин олган экан. Бир-икки бетини ўзимни зўрлаб ўқидим. Кейин эса қизиқиб кетдим. Айтсам ишонмаслигингиз мумкин. Икки кунда қиссаларни ўқиб тугатдим. Кейин отахондан бошқа китоблар олдим. Тоҳир Маликнинг "Шайтанат"ини, Жек Лондоннинг "Мартен Иден", Зарифа Саидносированинг "Ойбегим менинг" китобларини касалхонадан чиққунимча ўқиб бўлдим. Хуллас, китобга қизиқиб қолдим. Ҳозир бўш вақтим бўлди дегунча китобга ёпишаман. У яқин дўстимга, сирдошимга айланди. Баъзан, нега ёшлигимдан китобга қизиқмадим-а, деб ачинаман. Қанча вақтим бекор кетганига афсусланаман.

Мен бу билан нима демоқчиман? Ҳозир болаларимиз ўйинқароқ бўлиб ўсишяпти. Уларнинг кўп вақтлари кўчада тўп тепиш ёки турли хил компютер ўйинлари билан ўтаяпти. Ота-оналар эса болалар тарбиясига сал бефарқроқ муносабатда бўлмоқдалар. Шу боис баъзи болалар жиноят кўчасига ҳам кириб кетмоқда.

Хўш, бунинг олдини олиш мумкинми? Мумкин. Бунинг учун ёшликдан болаларни китоб мутолаасига ўргатиш керак. Китоб ўқиган одамнинг қалби тоза бўлади. У ҳеч қачон бировга ёмонлик қилмайди.

**Бобоқул БОБОМУРОДОВ**
**Меҳнатобод**

# ШАЪНИНГИЗГА ДОҒ ТУШМАСИН

***Яқинда бир нохуш воқеанинг гувоҳи бўлдим. Қўйлиқ бозори сотувчи-ю олувчилар билан гавжум. Бир пайт нон сотаётган аёлларнинг бири кимгадир бақира бошлади. Эътибор бермасликка ҳаракат қилдим, лекин қулоғимга кираётган "гап"лар мени беихтиёр қарашга мажбур этди. Икки сотувчи аёл жанжаллашаётган экан. Улардан бири шундай гапларни гапирар эдики, умримда эркак кишидан ҳам эшитмаганман. Бозорда одам кўп эди. Айримлар эътибор бермай, ўтиб кетди. Баъзилар эса текин томошага атайлаб тўхташди.***

***Илгари бундай воқеага дуч келмаганим учун анчагача ўзимга келолмадим. Биз иболи, ҳаёли деб биладиган, одам кўзига тик қарашдан андиша қиладиган аёлларимиз, наҳотки, шунчалар ўзгариб кетган бўлса? Умуман, аёл кишининг ўзини бундай тутиши инсон номига тўғри келадими? Балки "бозорчи хотин" деган кинояли-кесатиқли номга ҳам шундай аёлларнинг ўзи сабабчидир. Бу аёл, она номига иснод эмасми?***

***Бировнинг эркига, шахсий ҳаётига аралашишга ҳаққимиз йўқ. Лекин бу ерда гап фақат ўша аёллар ҳақида эмас, умуман аёлларимизнинг шаъни ҳақидадир. Аждодларимиздан бизга мерос бўлган бой анъаналарнинг, одоб-ахлоқ ҳамда урф-одатларнинг қадри ҳали баланд. Фақат гоҳи-гоҳида билиб-билмай эзгу қадриятларимизга ғубор туширмайлик.***

***Беҳзод МАМАДИЕВ,***
*талаба*

# ҚОҒОЗБОЗЛИК КИМГА КЕРАК?

*Мулоҳаза*

Кечқурун ишдан қайтсам, «Тошиссиққуввати» бирлашмасидан шартнома ташлаб кетишибди.

–Энди иссиқ сув ва уйни иситгани учун алоҳида пул тўлар эканмиз, – деди хотиним қўлимга бир варақ қоғозни узатиб. – Тўлдириб, олиб борар экансиз.

Шартномага кўз югуртирдим. Матн тагига бошлиқ имзоси чекилган, муҳр босилган. "Томонларнинг ҳуқуқий манзиллари" деган жойига исму-шарифимни ёзиб қўл қўйсам бўлди, ҳужжат кучга киради.

Аслида шартнома икки томоннинг розилиги билан расмийлаштириладиган ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. «Тошиссиққуввати»-дагилар эса ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрамай, шартнома матнини тайёрлаб, имзога олиб келишибди.

Шартноманинг 3,1 моддасида иситилган майдоннинг бир квадрат метри учун ҳар ойда 12 сўм тўланиши айтилган, лекин унинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган. Ҳолбуки, кўрсатилиши шарт эди. Чунки бизда уйлар бор-йўғи тўрт ёки беш ой иситилади, холос. Қолган ойлар учун истеъмолчи ҳақ тўлайдими йўқми? Бу савол шартномада жавобсиз қолган.

Яна унда "Томонларнинг жавобгарлиги ва низоларни ҳал этиш" деган бўлим бор. Шуниси қизиқки, саккизта модданинг ҳаммаси фақат истеъмолчининг жавобгарлигидан иборат. Таъминотчининг жавобгарлиги ҳақида эса лом-мим дейилмаган.

Энди асосий муддаога ўтайлик. Маълумки, шу пайтга қадар электр ва телефондан бошқа барча хизматлар ҳақи уй-жойдан фойдаланиш идоралари (ЖЭК) орқали тўланарди. 2002 йилнинг бошидан эса иссиқ сув ва иссиқлик учун алоҳида, газ учун алоҳида, коммунал хизмат учун алоҳида ҳақ тўлаш жорий этилди. Хуллас, энди ҳар ким ўз аравасини ўзи тортадиган бўлди. Балки бу ҳам бозор иқтисоди тартибларидан биридир.

Аммо бундан кимга фойда? Яхшилаб ўйлаб кўрсангиз, бу «янгилик» ортиқча ташвиш, ноқулайликлардан бошқа нарса эмас. Ишонмасангиз мана ўзингиз ҳисоблаб кўринг.

Илгари барча хизматлар тўлови учун битта андозадаги қоғоз сарф бўларди. Энди эса уч ёки тўртта керак. Аввал оила-аъзоларингиз сони ҳақида битта маълумотнома талаб қилинарди. Бундан буёғига тўрт-бешта керак бўлади.

Тўловларда имтиёзга эга бўлсангиз бундан ўн баравар кўп ҳужжат тўплашингиз лозим- пул тўлайдиган ҳар бир ташкилот учун ишхонангиздан маълумотнома, оила-аъзоларингизнинг туғилганлик тўғрисидаги ҳужжатларидан нусха... Бунга яна, фарзандингиз институт, коллеж ёки лицейда ўқиётган бўлса, ўша ўқув юртидан газчилар учун алоҳида, электрчилар учун алоҳида, иссиқ сувчилар учун алоҳида, уй-жойдан фойдаланиш идоралари учун алоҳида олинадиган маълумотномаларни ҳам қўшинг...

Бу ҳужжатларни тўплаш, керакли идораларага етказиб бериш учун қанча вақт, қанча маблағ керак. «Янгилик»ни жорий қилган Тошкент шаҳар ҳокимиятидаги мутасаддилар масаланинг бу томонини ҳам ўйлаб кўрдимикан? Умуман, пулни алоҳида тўлаш билан нима ўзгаради? Аҳоли илгари ҳам шу пулни тўлаб келаётган эди. Фақат бу иш уй-жойдан фойдаланиш идоралари ёки ширкатлар орқали амалга ошириларди. Улар эса ўз навбатида газчиларга, иссиқсувчиларга, лифтчиларга ҳақларини ўтказиб берарди. Энг асосийси аввалги иш тартиби аҳоли учун нисбатан қулай, сарсонгарчиликлар камроқ эди.

Менинг бу эътирозимга мутасаддиларнинг жавоблари тайёр: ривожланган чет давлатларда шундай. Балки шундайдир. Лекин буни кўр-кўрона эргашиш дейишади. Нега энди биз ҳамма нарсада чет элликларга мослашишимиз керак. Яхши иш усулларимиз бўлса, улар биздан ўрганишсин. Миллий курашимизни, маҳалла тизими, тарбия соҳасидаги тажрибаларимизни ўрганишаяпти-ку.

Масаланинг яна бир томони бор. Бундан буён иссиқ сув ёки газ қувурларида қандайдир носозликлар пайдо бўлса, уни ким таъмирлайди? Яқинда Сергели туманида шундай воқеа юз берди. Иккинчи даҳадаги уйлардан бирининг иссиқ сув қувури ёрилган экан. «Тошиссиққуввати»дагилар ширкат таъмирлайди, дейишди. Ширкатдагилар эса пул кимга тўланган бўлса, ўшанга мурожаат қилиш лозимлигини айтишди. Аҳоли роса бир ҳафта икки идора ўртасида овора бўлди. Эртага бундай чалкашликлар бўлмаслигига, одамлар сарсон бўлиб қолмаслигига ким кафолат беради?

Бундан бир-икки йил бурун айрим туманларда уй-жойдан фойдаланиш идоралари ўрнига ширкатлар тузилди. Лекин хизмат кўрсатишда мутлақо ўзгариш бўлгани йўқ. Хўш, навбатдаги ислоҳатлардан сўнг нима ўзгаради?

**Беккул ЭГАМҚУЛОВ**

# ОСМОНДИН МАҚТОВ ЁҒСИН У ҚАЛАМҒА,

## САҲАРДА ЁЗИЛГАН ҒАЗАЛ

### ёхуд Муҳаммад Паҳлавоннинг ҳазили

Аввал 1479 йили тартиб берилган "Бадоеъ ул-бидоя"га, кейинчалик "Хазойин ул-маоний" китобини тузишда "Ғаройиб ус-сиғар" девонига киритилган қуйидаги ишқий ғазални Навоийнинг ўзи Машҳад шаҳрида бир саҳар чоғи қоғозга туширгани ҳақида гувоҳлик беради:

**Ҳар қаён боқсам кўзумға ул қуёшдин нур эрур,**
**Ҳар сори қилсам назар ул ой манга манзур эрур.**

**Чун масал бўлди сочинг зулм ичра, ёшурмоқ не суд?**
**"Мушк исин ёшурса бўлмас!". Бу масал машҳур эрур.**

**Телбарарман то ани кўрмон, ажойибдур буким,**
**Ул пари девона кўзидин доғи мастур эрур.**

**Чун мудом эрнинг майи қошиндадур кофир кўзунг,**
**Недин эркинким, даме – усрук, даме махмур эрур?**

**Дилраболар доғи жоним сафҳасида гўйиё,**
**Дард эли ишқим учун муҳр айлагон маншур эрур.**

**Пар уруб бошингға тутма авжким, ҳар неча мўр**
**Ким, қанотлонғой қачон учмоқ анга мақдур эрур?!**

**Гар Навоий сиймбарлар васлин истаб кўрса ранж,**
**Йўқ ажаб! Невчунким, хом этган тамаъ ранжур эрур.**

Шоирнинг таржимаи ҳолидан маълумки, Хуросон ҳукмдори Абулқосим Бобур 1456 йил охирида пойтахтни Ҳиротдан Машҳадга кўчирганида, у ҳам Машҳадга боради. Навоийга ҳомийлик қилган бу маърифатпарвар ҳукмрон 1457 йили бевақт вафот этганидан кейин Алишер асосан мадрасаларда ва йирик мударрислар қўлида то 1463 йилга қадар билимини ошириш, ижод билан машғул бўлган. Юқорида матни келтирилган ғазални шоир шу йиллар оралиғида бир саҳар вақтида яратган. Аммо асар шу саккиз йилнинг қайси бирида ёзилганини аниқ айтиш қийин.

Шундай бўлса-да, Навоийнинг "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад" асарида бу ғазал ҳақида берган маълумотлари асосида ғазалнинг яратилиш санасини тахмин қилиш мумкин.

Аввало, бу асарнинг ўзи тўғрисида қисқача тўхтаб ўтайлик. Паҳлавон Муҳаммад узоқ йиллар давомида "кўраги гилам ҳидламаган", бутун Моварооуннаҳр ва Хуросонда донг таратган курашчи полвон. У Навоийнинг ўз сўзлари билан айтганда, "қирқ йилға яқин... мусоҳиби жоний (жонажон дўст, улфат) ва маҳрами рози ниҳоний" (яширин сирлардан бохабар, сирдош) бўлган. Ўз замонасининг етук зиёлиларидан бири, барча билимлардан бохабар, маданиятли ва ахлоқан баркамол Паҳлавон Муҳаммад шеъриятни ҳам нозик фаҳм этувчи ва юксак қадрловчи бўлган.

Навоий ана шу фозил вафотидан кўп ўтмай 1493 йили унинг хотирасига махсус асар яратиб, "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад" деб атайди. Бу асарда у Паҳлавон Муҳаммаднинг ҳаёти ва ижтимоий фаолияти ҳақида, инсоний фазилатлари ва хислатлари хусусида кўтаринкилик билан сўз юритади, ўзининг узоқ йиллар давомида бу фозил билан олиб борган дўстона муносабатлари, учрашув-суҳбатларини қоғозга туширади. Паҳлавон Муҳаммаднинг ноёб қобилиятлари жумласига ниҳоятда ўткир зеҳн ва фавқулодда хотира қуввати соҳиби бўлганлигини алоҳида таъкидлайди. Бу фикр далили учун юқорида матни келтирилган ғазал тарихига доир бир қизиқ воқеани баён қилади.

"Анинг (Паҳлавон Муҳаммаднинг) зеҳн ва закоси латофатидин ва ҳофизаси тезлиги ва зарофатидин бир неча калима хотирға келур", – деб ёзади шоир ҳамда Машҳадга келгач, "мафосил марази тори бўлуб" (яъни, бўғинлар зирқираши касалига мубтало бўлиб), ётиб қолганида Машҳадда бўлган Паҳлавон Муҳаммад "ҳар кун қадам ранжа қилиб... қоидаи шафқат ва ёрлиғ ва тариқи муҳаббат ва ғамхорлиқ бажо" келтиришини мамнуният билан ёдга олади. Тиббиёт илмидан, хусусан, уқалаш билан даволаш усулидан яхши хабардор бўлган Паҳлавон Муҳаммад табиблар кўрсатмасига кўра кунда келиб ётиқлиқ шоирни даволай бошлайди. Шундай кунларнинг бирида...

Навоий бундай хотирлайди: "Қазоро (тасодифан), бир кунким, саҳаре фақир бу шеърни айтиб эрдиким, матлаи будурким:

**Ҳар қаён боқсам кўзумға ул қуёшдин нур эрур,**
**Ҳар сори қилсам назар ул ой манга манзур эрур.**

Ва бу шеър етти байт эрди ва мусаввада қилиб жайбимға (чўнтагимга) солиб эрдим ва ҳануз кишига ўқумайдур эрдим ва кўрсатмайдур эрдим". Саҳарда ғазал битилган куни ҳам, кейинги кунлари ҳам Паҳлавон Муҳаммад келиб Навоий баданини уқалашни давом эттирган. Навбатдаги келганида, одатдагидек, у адабиётдан суҳбат бошлайди, туркий шеъриятнинг буюк намояндалари ҳақида мулоҳазаларини айтади. Шу аснода у Саййид Насимий шеърларини мақтаб, намуна сифатида "юқори битган байтни ўқудиким, фақир бу саҳар айтиб эрдим, – деб ёзади Навоий. – Чун матлаъни ўқуди, ўзга абъётин ҳам мутаоқиб (тўхтатмай) баён қилди ва тахаллусиким, бу навъ воқеъ бўлубтурким:

**Гар Навоий сиймбарлар**
**васлин истаб кўрса ранж,**
**Йўқ ажаб! Невчунким,**
**хом этган тамаъ ранжур эрур.**



"Навоий"ни "Насимий"га тағйир бериб ўқуди ва филвоқеъ бу байтда "Навоий" лафзидин "Насимий" лафзи муносиброқдур ва фақир мутаажжиб бўлдум. Оҳистароқ илгимни жайбимға элттим ва мулоҳаза қилдим: ўзум битиб жайбимға солғон мусаввада мавжуд эрди – ҳайрат ва таажжубим ортти".

Чиндан ҳам, ҳар қанча ҳайратланиб, таажжубланса арзийдиган воқеа юз берди. Навоий бир саҳарда ёзиб ҳали ҳеч кимга кўрсатмаган ғазални ўтган асрларда қалам тебратган Насимийга нисбат бериб Паҳлавон Муҳаммад оқизмай-томизмай пайдарпай ўқиб бермоқда. Шубҳага борган Навоий билдирмай чўнтагига қўлини солиб кўради: ғазал битилган қоралама қоғоз ўз жойида турибди.

"Ва Паҳлавон, – ўқиймиз хотирада, – ...ул шеърнинг абётин мукаррар (қайта-қайта) ўқур эрди. Ва бу фақир бетаҳаммул бўлуб (чидаёлмай) сўрдумким, ул иш кайфиятин маълум қилгаймен. Ул ўзин йироқ тутти ва ўз сўзида русух (қатъийлик) кўпрак зоҳир қилди. Фақир муболаға қилғон сойи Паҳлавон ҳам муболаға кўргузди. Зарурат юзидин сўрдумким:

–Бу шеърни қачон ёд қилиб тутуб эрдинг?

Дедики:

–Ўн икки йил бўлғайки, Бобур Мирзонинг мажлисида бу шеър ўтар (ўқилар) эрди, менга бағоят хуш келди, битиб олиб ёд туттум".

Бу суҳбат эртасига ҳам Паҳлавон Муҳаммад келганида давом этади. Навоийнинг қизиқиши ортгани сари у: "Мендан бош қалар ҳам бу ғазални ёд биладилар", деб оловни ёқаверади: "Ул вақтки, мен бу шеърни ёд туттум, куштигирлардин полвонлар ҳам нечаси бор эрдилар, улар ҳам ўргандилар, – деб уч-тўрт... куштигирники, анинг била келиб эрдилар, тилаб дедики: "Ўқунг, андоққи, менинг била ўрганиб эрдингиз!". Алар дағи пайдарпай равон ўқудилар. Фақирға таажжуб устиға таажжуб воқеъ бўлди ва Паҳлавон сўзи сидқида муболаға қилур эрди. Агарчи муболаға ҳожат эмас эрди, невчунким, сидқи даъвосида неча тонуқ (гувоҳ) ҳам ўткарди..."

Шу тариқа, Навоийни ишонтириб таажжуб ва ҳайратга солган Паҳлавон Муҳаммад, кейинчалик маълум бўлишича, ҳазиллашган экан. Навоий бу ажойиб воқеа давомини шундай баён қилади: "Оқибат андоқ маълум бўлдиким, эгнимни улайдурғонда (баданимни уқалаётганда) жайбимда қоғоз кўрубтур, оҳисталик била ул қоғозни чиқориб кўрубтур ва маълум қилибдурки, ушбу яқинда айтилғон шеърдур. У қоғозни очиқ ёнида қўюбдур ва ёд тутубдур ва чирмаб, жайбимға солибдур... Оқшомки, такъясиға (ётоқхонасига) борибдур, куштигирларига таклиф била ўргатибдур ва буюрибдурки, эҳтимоми тамом (интилиш) била такрор қилибдурларки, равон ўқур чоғда равон ўқуғайлар!"

Юз берганидан ўттиз-ўттиз беш йил кейин бутун тафсилоти билан баён қилинган бу қувноқ воқеа аслида Паҳлавон Муҳаммаднинг ноёб қобилияти, ўткир хотираси ҳамда унинг ҳазилга мойил табиати мадҳида бўлса-да, воқеага туртки бўлган ғазал хусусида ҳам айрим хулосалар чиқаришга имкон беради.

Аввало, Навоийнинг ўзи бир неча бор таъкидлаганидек, ғазал бир саҳар вақтида – тонг илҳоми билан ёзилган. Бу улуғ Навоийнинг юксак шоирлик иқтидорининг, бир ўтиришда ҳар жиҳатдан мукаммал шеърни якунлай олиш қобилиятининг ишончли далили бўла олади. Иккинчидан, Навоий Машҳадга етиб келганидан кўп ўтмай хасталаниб ётганида ("... анда (Машҳад назарда тутилади) етгандин сўнгра мафосил марази тори бўлуб...") ғазал битилган ва у билан боғлиқ кулгили воқеа юз берган. Шунга кўра, ўйлаш мумкинки, ғазал 1458-59 йили ёзилган. Бу ҳисоб қабул қилинса, уни шоир 17-18 ёшларида яратган бўлиб чиқади.

Энди ғазалнинг ғоявий-бадиий мундарижаси хусусида ҳам қисқача тўхтаб ўтайлик. Бошланма байтда фақат асли арабий бўлган "манзур" сўзини изоҳлаш кифоя – қолган сўзларнинг барчаси тушунарли ва шарҳга муҳтож эмас. "Манзур" – назарга тушиш, кўриниш маъносида. Демак, лирик "мен" – ошиқ тилидан битилган мисраларда маъшуқа жозибаси, ҳусни қуёш ва ойга тенглаштирилади, ошиқ фикри-зикрини унинг сиймоси мафтун этганлиги эътироф қилинади.

Маъшуқа васфини лирик "мен" кечинмалари билан уйқаш ифодаловчи бу ғазалнинг иккинчи байтида ирсол ул-масал бадиий санъатининг, яъни мақол-маталлардан фойдаланиб, мазмунни ёрқин очишнинг гўзал намунасини кўрамиз:

**Чун масал бўлди сочинг зулм ичра, ёшурмоқ не суд?**
**"Мушк исин ёшурса бўлмас!". Бу масал машҳур эрур.**

Шарқ шеъриятида тимқора ва ўткир хушбўй мушк – маъшуқа сочининг рамзи. Унинг сочи ошиқларга зулм – мафтун, асир этиши билан шуҳрат тутган, бу ҳақиқатни яширишдан не фойда? Ахир халқда "Мушк ҳидини ёшириб бўлмайди!" деган мақол машҳур-ку! Байт мазмуни ана шундай. Тажниси том бадиий санъати асосига қурилган сўз ўйини ҳам байтга алоҳида файз бағишлаган. Гап шундаки, биринчи мисрадаги "масал" сўзи мақол маъносида келган иккинчи мисрадаги "масал"дан фарқли ўлароқ, "довруғ таратди, шов-шув қўзғади, машҳур бўлди" маъноларини билдиради. Ғазалнинг кейинги байтида эса халқ оғзаки ижодиётидаги "пари" ва "девона" тимсолларига ишора орқали ошиқнинг маъшуқадан айру ҳолати ва кечинмалари ёрқин очилади:

**Телбарармен то ани кўрмон, ажойибдур буким,**
**Ул пари девона кўзидин доғи мастур эрур.**

"Мастур" бу байтда яширинган, бекинган маъноларини билдирадики, халқ ривоятларида парилар худди шундай тасвирланади.

**Чун мудом эрнинг майи қошиндадур кофир кўзунг,**
**Недин эркинким, даме – усрук, даме махмур эрур?**

Биринчи мисрада Навоий қадимий соф туркий "эрн" сўзини ишлатади. У "лаб", демакдир. Маъшуқага қаратилган байтнинг мазмуни: раҳм-шафқатсиз кўзинг ("кофир" шу маънода ишлатилган) доимо лабинг майи қошида. Худди шунинг учун ҳам у кўзлар дам масту аласт, дам хумордир. Мисраларда шоир қўллаган таносуб бадиий санъатини ҳам қайд этайлик. Май мастликни, кўз эса хуморликни тақозо қилмоқда.

**Дилраболар доғи жоним сафҳасида гўйиё,**
**Дард эли ишқим учун муҳр айлаган маншур эрур –**

байтидаги "муҳр" ва "маншур" сўзлари ўша XV аср воқелигига ишора этади. Гап шундаки, "маншур" сўзи "кенг тарқалган, шуҳрат тутган, ёйилган" маъноларидан ташқари "давлат ёрлиғи, муҳим расмий ҳужжат" мазмунида ҳам қўлланилади. Байтда худди шу иккинчи маънода ишлатилган. Шу тариқа, бу мисраларда ошиқ: дилраболар жоним саҳифасида қолдирган доғ дард аҳлининг менинг ишқимни тасдиқлаб ёзган маншурига қўйилган муҳрдир, демоқчи. "Доғ" сўзининг икки: ҳам шаклан муҳрга ўхшаш куюк жой, қора белги ва ҳам қайғу-кулфат маъносида қўлланилганини айтиш ўринлидир.

Навбатдаги байт мазмунан мустақил: унда маъшуқа таърифу мадҳини ҳам, ошиқ изтиробларини ҳам кўрмаймиз. Мисралар замирида ўқувчига одоб-ахлоқ юзасидан, жамиятда ўзини тутиш борасида сабоқ берилади, уни ҳушёр торттиради:

**Пар уруб бошингға тутма авжким, ҳар неча мўр**
**Ким, қанотлонғой – қачон учмоқ анга мақдур эрур?!**

Ғазалхонга қаратилган бу мисраларда таъкид оҳанги устун. Аввало, "пар уруб" бирикмасига сингдирилган мазмунни аниқлаб олайлик. Унда "ҳаволанмоқ, ғурурга берилмоқ, ўзига, куч ва имкониятларига бино қўймоқ" мазмуни ифодаланган. "Мақдур" эса арабий сўз бўлиб "тақдирда битилган, олдиндан белгиланган" маъноларини билдиради.

Демак, байтда: сен ғурурга берилиб ҳаволанишга интилма, ахир чумолига ("мўр") қанот битганида ҳам қачон юксак парвоз қилиш имкони бўлган? – дейилмоқчи. Айни замонда, биринчи мисрадаги "пар" сўзи "қанот"ни ифодалашини ҳам эътибордан қочирмаслик керак.

Ниҳоят, якунловчи байт:

**Гар Навоий сиймбарлар васлин истаб кўрса ранж,**
**Йўқ ажаб! Невчунким, хом этган тамаъ ранжур эрур.**

Бу байт моҳиятида ўқувчига қаратилган панд-ўгит бор: хомтамаълик ғам-ғусса келтириши аниқ. Шу боис, дейилади биринчи мисрада, гўзаллар васлини истаб азоб-уқубат тортиш табиий.

Ишқ-муҳаббат мавзуини юксак маҳорат билан бадиий талқин этувчи бу ғазал улуғ шоирнинг йигитлик йиллари ижодининг етук намунаси сифатида ҳам, яратилиш тарихи нисбатан аниқлиги жиҳатидан ҳам эътиборга лойиқдир.

**Абдурашид АБДУҒАФУРОВ**

## УЛУҒ НАВОИЙШУНОС

Шарқ халқлари адабиётининг билимдони, форс-тожик адабиёти бўйича йирик мутахассис Е.Э.Бертелс навоийшунослик фани ривожига муносиб ҳисса қўшган алломаларимиздандир.

Бертелс Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр" достони билан Санкт-Петербургда Осиё музейи қўлёзмаларини тавсиф этиб юрган чоғлари танишади. Шундан сўнг у Европа шарқшунослигидаги шоир ижодига дахлдор тадқиқотларни ўрганади. Уларда айрим олимлар шоир ижодига юқори баҳо берган бўлсалар, бошқалари унинг ижоди форс адабиётига тақлид деб даъво қиладилар. Бертелс ҳар икки мулоҳаза ҳам даҳо шоир мероси билан юзаки танишув оқибатида пайдо бўлган деган фикрга келди. У Навоий ижодини қуруқ тавсиф эмас, аксинча, салафлари ижоди билан қиёсий таҳлил этиш тўғри ёндашувга имкон яратади, деб ҳисоблайди. Натижада олимнинг "Навоий ва Аттор" мақоласи юзага келди. Мақола 1928 йили академик В.В.Бартолд таҳрири остида "Мир Али Шер" тўпламида босилиб чиқди. Бертелс мақолада "Лисон ут-тайр" ҳикоятларини таҳлил қилар экан, уларнинг аксариятига кекса донишманд шоирнинг ҳаётий кузатишлари асос бўлганлигини таъкидлаб кўрсатди.

Олимнинг Иккинчи жаҳон уруши йиллари Тошкентда яшаганлиги Ўзбекистон илмий доиралари учун ҳам, унинг ўзи учун ҳам ниҳоятда самарали бўлди. Бертелс Ўзбекистон олий ўқув юртларида дарс берди, олимларимизнинг ўзбек адабиёти тарихи бўйича илмий ишларига раҳбарлик қилди. Жумладан, Ғулом Каримов "Лайли ва Мажнун" достонининг илмий-танқидий матни, Солиҳ Қосимов Хоразмийнинг "Муҳаббатнома" достони, Акром Иброҳимов Муҳаммад Солиҳ ҳаёти ва ижоди бўйича илмий тадқиқотларини Бертелс раҳбарлигида ёқладилар. Тошкентда устод адабиётшуноснинг бирин-кетин "Навоий", "Жомий", "Александр ҳақида роман ва унинг Шарқдаги асосий талқинлари" номли монографиялари вужудга келди.

Олимнинг тадқиқотлари орасида 1945 йили ёзилган ҳажман кичик "Навоий дунёқарашига доир" мақоласи алоҳида диққатга молик. Муаллиф XV аср ижтимоий-фалсафий қарашларини ўрганмай туриб Алишер Навоий дунёқараши хусусида сўз юритиш мушкул, деб уқтиради. Модомики, Навоий нақшбандийлик тариқатига мансуб экан, биринчи галда, тариқатга оид қўлёзма манбаларни қиёсий ўрганиб, танқидий матнларини нашр этиш зарур. Бу эса, ўз навбатида, тариқатнинг асосий жиҳатларини тўғри белгилашга хизмат қилади. Шарқшунос Ибн ал-Арабий меросига эътиборни қаратиб ёзган эди: "Афсуски, Ибн ал-Арабий ҳозирча ўрганилмай келинмоқда. Уни тадқиқ этиш қийин ва мураккаб, албатта. Бироқ бошқа бир тарафдан қатъий айтиш мумкинки, XIII асрдан сўнг мусулмон Шарқи тасаввуф адабиёти бу ўзига хос мутафаккир мероси билан муайян даражада чамбарчас боғлиқдир. Унинг асосий қарашларини аниқламай туриб, кейинги давр тасаввуф адабиётини ўрганиш асло мумкин эмас". Бу гаплар 40-йиллари айтилган бўлса, собиқ иттифоқда 90-йилларнинг бошларига келиб Ибн ал-Арабий фалсафий мероси ҳақида ягона номзодлик иши ёқланди, холос.

Муаллиф "Навоий" (1948) китобини камтарлик билан "Шоир ижодий биографиясидан тажриба" деб атаса-да, аслида у тугал илмий тадқиқотдир. Аллома ижодкор ҳаёти ва адабий меросини ўрганар экан, биринчи галда, у яшаган давр, адабий муҳит, асарларининг юзага келишига сабаб бўлган омиллар хусусида батафсил тўхталади.

Бертелс монографиясида ўзбек классик адабиётининг билимдонлари – Ойбек, Ғ.Ғулом ва Ҳ.Зариф билан ҳамсуҳбат бўлмаганида Алишер Навоий ижодининг кўп томонлари ўзи учун қоронғулигича қолишини ҳам миннатдорлик билан эслатиб ўтади. Шарқшунос XV аср форсий ва туркий адабиёт намуналарини таҳлил этар экан, Навоий ижодига замин ҳозирлаган адабий муҳитнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб берди. Бунда у Навоийгача туркий адабиётнинг етакчи жанри ҳисобланган ғазалга диққатни қаратди. Айниқса, у Лутфий ғазаллари таҳлилига кенгроқ ўрин ажратди. Лутфий ғазалларида шаҳар ҳаётига хос жиҳатларнинг учрашини олим шаҳар ҳаётининг лирик шеъриятга кўрсатган таъсири, деб баҳолайди. Тадқиқотда биринчи марта Султон Ҳусайн Бойқаро ғазаллари ҳам таҳлил этилган. Шоирнинг ўзбек адабиёти тарихидаги ўрни, хусусан, ўзбек тилининг ривожига қўшган ҳиссаси тўғри таъкидланган.

Шарқшуноснинг "Навоий" китоби 40-йиллар навоийшунослик илмининг муҳим ютуғи сифатида бўлажак тадқиқотларга самарали таъсир кўрсатди ва янги илмий йўналишларга йўл очди.

Бертелс шоир ижодига дахлдор тадқиқотларни диққат билан кузатар экан, уларга ўз фикрини билдиради. Унинг Навоийнинг 500 йиллик тўйи муносабати билан чоп этилган "Улуғ ўзбек шоири" (рус тилида) тўпламига ёзган тақризи бунга ёрқин мисолдир.

Олим тақризда навоийшунослик илмида биринчи бўлиб нақшбандийлик тариқатига, унинг XV аср илғор фикрли зиёлилари фаолиятида тутган мавқеига тўғри баҳо берган эди. Масалан, у тўпламдаги мақолаларнинг бири хусусида шундай ёзади: "16-саҳифада муаллиф нақшбандия дарвешларини фан ва маданиятнинг ҳасадгўй мухолифлари, деб атайди. Бундай умумлашма таърифни тўғри деб бўлмайди... Шуни ёддан чиқармаслик керакки, ўша давр маданиятининг икки тараққийпарвар вакили – Жомий ва Навоий шу тариқатга мансуб эдилар. Уларнинг тараққиётга, мухолиф тариқатга аъзо бўлишлари ҳақиқатдан йироқдир. Кўриниб турибдики, XV аср илғор кишилари кўзи ўнгида нақшбандийлик, айрим тарихчиларимиз тасвирлаганидек, ваҳимали эмас".

Бертелс нақшбандия тариқатининг улуғ вакили Хўжа Аҳрор фаолиятига ҳам адолатли ёндашган эди. Маълумки, ўз даврида Хўжа Аҳрор ёнидан 300 минг динор тўлаб, Тошкент аҳолисини оғир солиқдан қутқаради. Бу ҳолни бизнинг айрим тарихчиларимиз ўша вақтдаги сиёсий аҳвол ёки бошқа бир сабаб билан сохта ҳаракат деб талқин этадилар. Бертелс эса куюниб ёзади: "Кўз-кўз қилишми ёки бошқа нарсами, ҳар ҳолда, одамлар солиқдан озод этилган. Нега энди бу иш Навоий ва бош қа амалдорлар томонидан қилинса ўзини кўрсатиш эмасу, Хўжа Аҳрор амалга оширганда сохта ҳаракат дейилади..."

Бертелс 20-йилларнинг бошидан умрининг охирига қадар Низомий Ганжавий ижоди билан мунтазам шуғулланади. Олим раҳбарлигида Низомий "Искандарнома" достонининг илмий-танқидий матни тузилади Унинг ўзи томонидан асар рус тилига таржима этилади ва мавзуга доир туркум мақолалари нашр қилинади. Энди Бертелснинг қуйидаги сўзларига эътибор беринг: "Шундай қилиб, мен Низомий достонидан яхшигина хабардорман, уни ўрганиш жараёнида мавзунинг тарихи билан ҳам танишдим ва энди менда Алишер Навоий асарини ўрганиш учун мустаҳкам пойдевор пайдо бўлди".

Алломанинг бу фикрлари методологик аҳамиятта эгадир. Чунки анъанавийлик етакчи бўлган ўрта асрлар Шарқ адабиётини ўрганганда мавзунинг тарихини билмасдан, бир мавзу доирасидаги асарларни қиёсий таҳлил этмасдан туриб бирор-бир натижага эришиш қийин.

Шарқ "Искандарнома"лари орасида Навоий асарини ҳар томондан муҳим ҳисоблаган олим, "Александр ҳақида роман ва унинг Шарқдаги асосий талқинлари" монографиясининг биринчи қисмида шоир салафларининг достонлари таҳлили хусусида сўзласа, унинг иккинчи қисми Навоийнинг "Садди Искандарий" достони ҳақидадир. Олим Навоий бадиий маҳорати масалаларини ёритиш асарнинг илмий-танқидий матни йўқлиги сабабли мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблайди. Монографиядаги бой фактик материал ва унинг асл манбаларга асосланганлари, теран талқин китобнинг келгуси тадқиқотлар учун мустаҳкам асос бўлишига хизмат қилди.

Шу ўринда алломанинг "Навоий ва Жомий" китобига кирган мақолаларини тўплаб, зарур илмий изоҳлар билан нашрга тайёрлаган шогирди, улкан олим Эргаш Рустамовнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш адолатдан бўлади.

Бир неча Шарқ ва Ғарб тилларидан хабардорлиги, тадқиқотни асл манбалар ва уларни қиёсий ўрганиш асосига қуриши, ифодада академизмга қатъий риоя этиш, ҳар қандай вазиятда ҳам илмий ҳақиқатни муқаддас билиш, шу ва шунга ўхшаш жиҳатлар олим асарларининг қадр-қимматини белгилайди...

Кези келганда айтиш керакки, устод Е.Э.Бертелснинг сайъ-ҳаракати туфайли 1930 йили Навоий "Хамса" (1485) шеърий эпопеясининг энг қадимий ва мўътабар нусхаси ҳалокатдан сақлаб қолинди. Чунки ўша алғов-далғовли замонда кўпдан-кўп нодир қўлёзмалар хорижга сотилиб кетаётган эди. Фанда Абдулжамил нусхаси номи билан машҳур бу қўлёзма ҳозирги кунда ЎзРФА Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

Ўтган XX аср ичида ўзбек навоийшунослик фани катта ютуқларни қўлга киритди. Энг аввало, шоир асарларининг ўзбек тилидаги тўлиқ нашрлари амалга оширилди. Алишер Навоий асарларининг илмий-танқидий матнларидан назарий тад қиқотларга қадар, булар – барчаси муҳим ютуқлардир.

XX аср навоийшунослиги тарихга айланиб бормоқда. XXI аср навоийшунослик фани қай йўсинда ривожланади деган муаммо эртами-кечми кун тартибига чиқади. Табиийки, у ўзидан олдинги фан ютуқларига таяниб иш кўради. Умуман олганда, фан назариясида **рефлексия** деган тушунча бор. Бу сўз лотинча бўлиб, "ортга қарамоқ" маъносини англатади. Фалсафий истилоҳ сифатида бирон-бир фан соҳасида муайян даврда тўпланган билимлар мажмуини қайта баҳоламоқ, фалсафий идрок этмоқ, танқидий қарамоқ тушунчасига мос келади. Айнан шунинг учун ҳам навоийшунослик тарихининг барча босқичларини таҳлил қилмасдан унинг кейинги ривожи хусусида фикр юритиш мақсадга мувофиқ эмас. Бинобарин, Бертелс каби улуғ навоийшунос олимларнинг китобларини ўқиб-ўрганиш ёш мутахассисни илмий-тадқиқотнинг ўзига хос маданияти сари етаклайди.

**Абдурасул ЭШОНБОБОЕВ,**
**Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг илмий ходими**

### Алишер НАВОИЙ-ФОНИЙ

### ШАЙХ КАМОЛГА ЎХШАТМА

**Деди: «Йўлимни супур», ул сиймтан. Дедимки: «Хўп».**
**Деди: "Сув сепгил йўлимга", дафъатан. Дедимки: «Хўп».**

**Деди: «Зулфимдан қай ул кунки жудо бўлсанг агар,**
**Йиғла шомдан тонггача кўйимда сан». Дедимки: «Хўп».**

**Деди: «Лаълим ёдида ичсанг агар гулгун шароб,**
**Косаларни айла лиқ дил қонидан». Дедимки: «Хўп».**

**Деди: «Юзингга кўзим тўйсин десанг шартим шудир:**
**Бошқа гулрухларга боқма қатъиян». Дедимки: «Хўп».**

**Деди: «Ҳижрон шомидан гар хиралашса кўзларинг,**
**Равшан этгил юзларим ёғдусидан!» Дедимки: «Хўп».**

**Деди: «Айт, кўзингга тулпорим туғёни гардини**
**Сурма этса ёришар эъзоз илан». Дедимки: «Хўп».**

**Деди: «Фоний, чунки аҳли ишқ маҳвашлар томон**
**Боқсалар, ул дамда бизга боқасан». Дедимки: «Хўп».**

### МИР ХУСРАВГА ЎХШАТМА

**Ёпса ниқоб бирла маҳим ул рўйи оташнокни,**
**Куйдирар оҳим тўққизта пардали афлокни.**

**Қатл истасанг, эй кажкулоҳ, ҳожат тиғингга йўқ, воҳ,**
**Шул баски йиртдинг бегуноҳ, чоки кулоҳи чокни.**

**Мардумга тушса юз хатар, дегай малойик алҳазар,**
**Ҳар ёнки этсанг жилвагар, ул қомати чолокни.**

**Ҳар кимга эй сийминбадан, кўрсатма рухсорингни сан,**
**Кўрсам фақат пок кўз билан андоқ жамоли покни.**

**Эй соқи, бедоди жаҳон, юз ғам дилимда бор ниҳон,**
**Бир жом беру эт шодумон, ғамдан мани ғамнокни.**

**Мастлиғни сен фан айлагил, дайрни маскан айлагил,**
**Бир йўла равшан айлагил, ойинайи идрокни.**

**Фоний аламли бу даҳр, қилгай адо қайғу заҳр,**
**Оби шифо янглиғ ахир нўш айла ул тарёкни.**

**Форсийдан О.БЎРИЕВ таржимаси**

## АНГРЕНДА НАВОИЙХОНЛИК

Мутафаккир шоир Алишер Навоий меросини ўрганиш ва ёшларни буюк аллома асарлари билан ҳамиша ошно бўлишга даъват этиш мақсадида тез-тез анжуманлар ўтказиб туриш анъана тусига кирмоқда. Куни кеча Ангрен шаҳридаги Тошкент вилоят педагогика институти «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда навоийхонлик анжумани ўтказди. Тадбирни институт ректори Ҳасан Қудратуллаев очди. Сўзга чиққан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати раисининг биринчи ўринбосари Қаҳрамон Қуронбоев ва «Амир Темур» экспедицияси раҳбари Фахриддин Ашрабхўжаев Алишер Навоий ижодини ўқиш-ўрганиш ёшларимиз олдидаги муҳим вазифалардан эканлигини таъкидладилар. Шоирлар Умида Абдуазимова, Салим Ашур ва Рустам Мусурмон Навоий асарларидаги беқиёс гўзаллик ва нафосат ҳақида сўзлаб, ўз ижод намуналаридан ўқидилар.

Талабалар ижросидаги саҳна кўринишлари ва Навоий ғазаллари тадбирга файз бағишлади.

* * *

**Бугун** соат 11.00 да ЎзРФА Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда Алишер Навоий адабий ва илмий меросини ўрганишга бағишланган анъанавий илмий анжуманнинг 46-йиғилишини ўтказади.

## НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

**Бўй баҳосинму дейин, басти расосинму дейин,**
**Хоки посинму дейин, сочи сиёсинму дейин,**
**Лаб гилосинму дейин, инжу жилосинму дейин,**
**Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин,**
**Кўнглима ҳар бирининг дарду балосинму дейин.**

**Сину сахтинму дейин, сумбати мадҳинму дейин,**
**Дору тахтинму дейин, қатлима аҳдинму дейин,**
**Шаҳти шарҳинму дейин, қабоғи тарҳинму дейин,**
**Кўзи қаҳринму дейин, киприки заҳринму дейин,**
**Бу кудурат ичра рухсори сафосинму дейин.**

**Зулми заҳминму дейин, сўнг сулҳи авфинму дейин,**
**Маҳри-ажринму дейин, сийрати қадринму дейин,**
**Меҳри гардинму дейин, некбин хабардинму дейин,**
**Ишқ дардинму дейин, ҳажри набардинму дейин,**
**Бу қаттиқ дардлар аро васлин давосинму дейин.**

**Лутфи коминму дейин, паймона жоминму дейин,**
**Номи золимму дейин, умрима зоминму дейин,**
**Тўкди қонимму дейин, илкида жонимму дейин,**
**Зулфи доминму дейин, лаъли каломинму дейин,**
**Бирининг қаддин, яна бирнинг адосинму дейин.**

**Юзи олинму дейин, сўзлари болинму дейин,**
**Ўй-хаёлинму дейин, лабзи ҳалолинму дейин,**
**Ҳусни молинму дейин, мулки аъмолинму дейин,**
**Турфа ҳолинму дейин, қадди ниҳолинму дейин,**
**Мовий кўнглак узра гулранги қабосинму дейин.**

**Баҳри мавжинму дейин, таҳ-батаҳ авжинму дейин,**
**Давр панжинму дейин, чолғуда мажнунму дейин,**
**Сабри саржинму дейин, пинҳони ганжинму дейин,**
**Чарх ранжинму дейин, даҳр шиканжинму дейин,**
**Жонима ҳар бирининг жавру жафосинму дейин.**

**Хол Муҳаммад, узр ила айла пиринг ёдини қайд,**
**Эш мусаллас деб мухаммасул фақрона байт,**
**Ошиқ ўлдингки, магар бўйла, вафо расмини айт,**
**Эй, Навоий, дема қошу кўзининг васфини айт,**
**Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин.**

**Хол Муҳаммад ҲАСАН**

# У ҚАЛАМДИН КЕЛДИ ГЎЗАЛ СЎЗ ОЛАМҒА!

# НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

***Кечагидек ёдимизда. Ватанимиз мустақилликка эришган йили Президентимиз Ислом Каримов фармони билан 1991 йил — Алишер Навоий йили деб эълон қилинган, Республикамиз пойтахтида Миллий боғ барпо этилиб, унда улуғ бобомизга муаззам ҳайкал ўрнатилган эди. Ўтган йили миллат тимсоли бўлмиш улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг 560 йиллиги бутун мамлакатимиз бўйлаб зўр тантаналар билан нишонланди. Хусусан, Навоий шаҳрида бўлиб ўтган маросимда Юртбошимиз: биз Навоийни севамиз, ардоқлаймиз, лекин бобомизнинг ижодий меросини ўрганишга келганда у қадар мақтангулик жиҳатларимиз кўп эмас, деган эдилар. Демак, Навоий асарларини кўпроқ ўқиш, кўпроқ ўрганиш, теран англашга уриниш — замондошларимиз маънавий эҳтиёжига айланмоғи лозим. Бундай бурч, вазифа ижодкорлар, навоийшунос олимлар олдига катта талабларни қўяди.***

***Бугун биз таҳририятимизга таниқли адиб ва олимларни чорлаб, Навоий ва замонамиз, бугунги адабий жараёнга буюк қалам соҳиби ижодиётининг таъсирлари, навоийшунослик олдидаги муаммолар ҳақида гурунглашдик.***

ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК БЎЛИМИ

Ваҳоб РАҲМОНОВ, адабиётшунос

## БАДИИЙ ИНЖУЛАР УММОНИ



**–Домла, Сиз мумтоз адабиёт бадиияти билан мунтазам шуғулланасиз. Улуғ Алишер Навоий ижодида бадиий санъатларнинг қўлланиш меъёри хусусида қисқача фикр билдирсангиз.**

–Навоий шеърияти умумбашарий эзгу фикрлар хазинаси, таъсирчанликда мислсиз бадиий инжулар уммони. Бадиийлигига келсак, бу ижод минг турли жилваланадиган олмосдир. Тўғри, шоир байтларининг ҳар биридаги бадиийликни санайдиган бўлсак, уларда ўрта ҳисобда икки-учтадан ўнтагача бадиий тасвирий воситалар қўлланилганига гувоҳ бўламиз. Мисол учун, маш-ҳур «Қаро кўзум...» ғазалининг матлаъи – бош байтига кўз югуртирайлик:

**Қаро кўзум, келу мардумлуғ эмди фан қилғил,**
**Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.**

Нусратулла Жумахўжа мазкур байтни шоҳбайт тарзида таснифф этган. Бу – ҳақ гап. Мазкур ғазал ҳақида ўнга яқин олимнинг шарҳлари бор. Шунинг учун мен унинг мазмуни эмас, фақат санъатлари хусусида сўз юритаман. Биринчидан, «мардум ва мардумлиғ» сўзлари шаклдошлиги ва маъносининг ҳар хиллиги – одамлар ва кўз қорачиғи ифодалангани учун **тажнис**дир. Иккинчидан, биринчи мисрадаги "қаро кўзим" сўзлари иккинчи мисрада ўрин алмашиб, "кўзим қароси" тарзида келгани учун **тарди акс** санъати бўлади. Учинчидан, **илми бадеъ**да бировга ёки бирор нарсага мурожаат қилиш усули – нидо бўлиб, байтдаги нидо кўрсаткичи «Қаро кўзум» сўзларидир. Тўртинчидан, ушбу «қаро кўзум» бирикмасида кўз сифати, яъни **сифатлаш** берилгандир. Бешинчидан, байтнинг умумий мазмунида буюриш оҳанги ва мазмуни борки, бу байтда **амр** санъати қўлланилганини кўрсатади. Олтинчидан, иккинчи мисрадаги мардумнинг ўзи икки маънода келмоқдаки (кишилар ва кўз қорачиғи), бир сўз мисрада икки маънода келиб, ҳар икки маънога мисра мазмуни мувофиқ тушса, **ийҳом** санъати бўлади. Еттинчидан, байтда сўз такрорлари учрайди. Чунончи **қаро**, **кўз** сўзларининг икки мартадан қайтарилиши **такрир** санъати намунаси бўлади. Саккизинчидан, байтда бир ўзакдан икки сўз: **мардум** ва **мардумлуғ** яратилганки, байтда ўзакдош сўзларининг иштироки **иштиқоқ** санъати намунасидир. Тўққизинчидан, биринчи мисрадаги **қаро** – ранг, тусни ифодаласа, иккинчи мисрадаги **қаро** эса кўз қорачиғини билдиради. Шунинг учун бу сўзларда ҳам **тажнис** назарда тутилган. Ва ниҳоят, ўнинчидан, «мардум киби» бирикмасида ўхшатиш – **ташбиҳ** санъати зоҳирдир.

Хуллас, даҳо шоиримизнинг биргина байтида ўн шеърий санъат қўлланилган. Буларнинг ҳар бири мисраларда мазмундорлик, кўпмаънолилик, баён сеҳри, таъсирчанлик, хушоҳанглик, ифодалилик, китобхонни фикрлашга рағбатлантириш сингари вазифаларни бажаради.

**–Ҳазрат Навоийнинг жаҳоний шуҳрати улуғ адибимиз ҳақли бўлган даражада деб ўйлайсизми?**

–Тўғри, Алишер Навоий жаҳонда у тўла ҳақли бўлган даражада маълум эмас. Менимча, мумтоз шоирни жаҳонга асарларининг дунё халқлари тилларига сифатли таржима қилиниши, ҳаёти ва ижодининг кенг миқёсда ўрганилиши, хусусан, маҳоратини теран тадқиқ ва тарғиб этилиши танитади. Дейлик, Ҳофизнинг ҳар бир ғазали ҳақида биттадан китоб ёзилган. Навоийнинг беш девони, уч мингта ғазали ҳақида ёзилган китоблар ўнга етармикан?.. Шу масалани батафсилроқ ўйлаб, Навоий ижодини теранроқ ўрганишга олимларимиз бурчлидирлар. Улуғ шоир ижодидан халқимизни тегишлича баҳраманд этиш ҳам зиммамизда. Ҳозирча «Хамса» достонлари, «Лисон ут-тайр», «Маҳбуб ул-қулуб» асарларигина табдил этилган, холос. Қолаверса, китобхонлар-ку майли, тил ва адабиёт ўқитувчиларининг аксарияти Навоийнинг тўрт-бешта китобини мукаммал ўқимаган, десак хато бўлмайди.

Демак, шоир достонларининг шеърий йўлдаги табдилини, ғазалларининг табдилини амалга ошириш кун тартибида турибди.

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов бир суҳбатида Навоийни адабиётшунослар тушунмайдилар, деган эди. Бас, шундай экан, Навоий ижодининг халққа етиб борадиган, китобхонлар тушиниб ўқийдиган нашрларини тезлаштириш лозим. Албатта, унинг ижоди тарғиботи қониқарли, дея олмаймиз. Айниқса, ёшларнинг бу бепоён уммондан баҳраманд бўлишига эриша олсак, уйлайманки, уларнинг бахту камолига жуда катта ҳисса қўшган бўламиз.

Зотан, маънавиятимизнинг хазинаси – Навоий ижодиётидир.

**–Домла, мактабда Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўргатишни янада яхшилаш учун нималарга эътибор бериш керак, деб ҳисоблайсиз?**

–Масалан, Олмонияда «Гёте. Ҳозирги замон учун ўқиш китоби» номли дарслик яратилган. Бизда ҳам I-IV синфлар ва V-IX синфлар учун Навоий «Ўқиш китоби» чиқарилса жуда яхши бўларди. Чунки бундай қўлланмани тажрибали, шоир ижодидан пухта хабардор методистлар тузишади, унда ўқувчининг онги, даражаси – ҳаммаси ҳисобга олинади.

Ҳозирги дарслик-мажмуаларда берилган матнлар Навоий ижоди ҳақида етарлича даражада маълумот бера олмайди, деб ўйлайман. Қолаверса, бу парчаларнинг берилиш методикаси ҳам сабоқ бериш учун жуда қулай эмас. Менимча, мумтоз адабиёт намунаси, хусусан, мумтоз шоиримиз ижодиётидан матн парчаси берилганда унинг ҳозирги тилдаги талқини ҳам, албатта, берилиши лозим. Матн ва луғатни ўқувчига манзур этиш билан чекланиш, назаримда, ҳали кутилган натижани бермайди.

Умуман, бу масалада менинг фикрим шундай: Навоий ғазалларини табдиллаштириб, оммавий нашр қилиш лозим. Мисол учун, мен ўзим табдил қилган бир ғазални ўқиб берсам. Бунда мен бугунги ўқувчига тушунарсиз бўлган форсча ва арабча сўзларни алмаштирганман, холос:

**Кимса ҳаргиз кўрмади бир аҳли даврондин вафо,**
**Улки даврон офатидир, не умид ондин вафо?!**

**Жону умрим ул эрур, гар бевафодир не ажаб?**
**Қайда кўрмиш кимса ҳаргиз умр ила жондин вафо?**

**Гар вафо қилсанг, эрур унданки: бордирсан пари,**
**Йўқса, ким оламда кўрмиш насли инсондин вафо?**

**Ваҳки, даврон халқи ғайри бевафолик қилмади,**
**Ҳар нечаким кўрдилар мен зори ҳайрондин вафо.**

**Ҳеч вафо гулбарги даврон боғида очилмади,**
**Беҳудадир кимки истар бу гулистондин вафо.**

**Кимса кўнглин кимсадан истаб вафо олдирмасин**
**Ким, манга ҳам етмади у кўнглим олғондин вафо.**

**Эй Навоий, гар вафосиз чиқди у султони ҳусн,**
**Топтинг элдинким, тиларсен энди султондин вафо?!**

Менимча, таълим мақсадларида бу усулдан фойдаланиш зарар қилмайди.

Омон МУХТОР, адиб

## «... БУЛ АЖАБРОҚ ДОСТОНЕ ТОПМАДИМ»



**–Алишер Навоий шахси ёки ижодида қайси фазилат ё жиҳатлар Сизни кўпроқ ҳайратга солади?**

–Бир шоир сифатида, ёзувчи сифатида, қолаверса, адабиёт билан доимо қизиққан бир инсон сифатида, тахминан 40 йилдан бери Алишер Навоий ижодини ўқиб, кўриб юриб, қизиқ бир ҳолга дуч келдим: Навоий юзлаб, балки минглаб олимлар ёзганга ўхшамайди. Ўзбек ижодкорлари ва бошқа миллат вакиллари ёзган қиёфаларга ҳам ўхшамайди. Менинг таассуротим шундай. Навоий инсонга хос бутун, айтиш мумкинки, мураккаб хислатларини ўзида мужассам этган буюк зот. Мен бунга, ҳақиқатан, жуда ҳайрон қолдим. Хусусан, шоир ёзади:

**Кўп ўқидим Вомиқу Фарҳоду**
**Мажнун қиссасин,**
**Ўз ишимдин бул ажаброқ**
**достоне топмадим.**

Энди қаранг, қатор асарларда шоир Ҳусайн Бойқарони жуда таърифлайди, таъбир жоиз бўлса, осмонга чиқаради. Ва шу билан бирга Ҳусайн Бойқарога нисбатан бир қанча шикоятларни ҳам келтираверади. Зиддият ўз йўлига, бироқ буларнинг қайсисини қабул қилиш керак? Ёки олайлик, бир жойда «беадаблиқ чоғи бас», энди муҳаббат ҳақида бир сўз ҳам айтмайман, деган мазмунда гап айтади-да, бошқа бир жойда «қари деманг Навоийни, у учун доимо ишқу муҳаббат чоғидур», дейди. Менимча, шахс қанчалик катта бўлгани сайин унинг зиддиятлари ҳам шунчалик катта бўлади.

Алишер Навоий буюк зиддиятлар орасидаги шахс ва унинг буюклигини мана шу зиддиятлар белгилайди. Биз файласуф эмасмиз, адабиётчимиз, лекин шоир бизни фалсафий фикр юритишга мажбур этади. Навоий бизни дунё чархпалагининг зиддиятлар орқали айланиш қонунларига диққатни қаратишга даъват қилади. Зотан, Навоийнинг илмий асарларини ўқиб мен ҳайратга тушдим, чунки у бутун бир тараққиётни мана шу улкан зиддиятлар орқали тушунади.

Шоир зиддиятлардан қўрқмайди. Бир томондан, Ҳажга бормоқчи бўлади, иккинчи томондан эса, мени хаста ҳолатимда шарбат (шароб маъносида) ичмаслигим мумкин эмас, дейди. Бундай зиддиятли ҳолат, кайфиятларга зоҳидона қарайдиган кишилар буни қабул қилмасликлари мумкин. Навоий аслида дунёга, ҳаётга зоҳидона қарашга қарши туради. Ҳаётни тасдиқлашга, ундан баҳра олишга даъват қиладики, таркидунёчилик унга бутунлай ёт.

Улуғ шоир жуда кўп бинолар қурдиргани, мадрасалар очгани, оддий одамларга ёрдам бергани – ҳаммаси унинг қалбидаги ҳаётга муҳаббат туйғуси ҳаддан ташқари кучлилигидан келиб чиққан.

**–Алишер Навоийни, бошқа мумтоз шоирларимиз орасида, алоҳида юксалтириб турадиган жиҳатлар нималарда кўринади?**

–Бир ўринда шоир:

**Киши ўзин ясоғон бирла бўлурму ошиқ** – дейди. Мен «Буюк фаррош» романим устида ишлаётиб, кўп ўйладим: ўзи бир умр ёлғиз ўтган инсоннинг бировларнинг муҳаббатини ҳимоя қилиши, бир умр муҳаббатни куйлаши нега ўз замонида ҳам, кейин ҳам одамларда иштибоҳ уйғотмаган? Чунки Навоий ўзининг муҳаббат кишиси, чинакам ошиқ эканини улуғ ижодиёти билан исботлаган, шунга ишонтирган. Алишер Навоий, менинг тасаввуримда, буюклигининг яна бир нуқтаси шундаки, дунёда бор фалсафий категориялар, тушунчаларнинг ҳаммасига унинг асарларида жавоб бор. Ёзувчининг улканлиги дунёдаги фалсафий унсурларга, саволларга қай даражада жавоб бергани билан белгиланса керак. Дейлик, муҳаббат, дин, ҳаётга муҳаббат... Ёзувчининг улуғлиги шуларнинг қайсиси ҳақида қанчалик кенг ва теран фикр билдира олиши, замонавий тилда айтганда, интиллектуал даражаси билан белгиланади.

Навоийнинг устози Лутфий ғазални гуллатиш, ўйнатиш жиҳатидан Навоийдан кам эмас. Бироқ Навоий даражасидагидай кўламнинг кенглиги бош-қа шоирларда учрамайди.

Шоир баъзи зоҳидлар ҳақида:

**Ҳам ўзи-ю, ҳам маърифати**
**Жоҳилу мажҳул –**

дейди. Ҳаттоки, ўшаларнинг маърифати ҳам шоирни қаноатлантирмайди.

Бирор-бир фалсафий қараш йўққи, Навоий унга муносабат билдирмаган бўлса.

Бир жиҳатдан шундай теран фалсафий қарашларни ўртага ташлайди ва айни пайтда ўзи ана шу зиддиятлар ичида яшайди Навоий. Демак, зиддиятлар ҳаётни, тараққиётни бошқаради, деган фикр тўғри экан-да.

**–Омон ака, улуғ шоир ҳақида асар ёздингиз, унинг ижоди, шахси ҳақида жуда берилиб гапираяпсиз. Бу қадар қизиқишингизнинг боиси нимада?**

–Шундай буюк инсонлар борки, вақт ўтгансайин уларнинг ҳаётига, ижодига қизиқиш ортаверади. Ҳозир бизнинг халқимиз ўтмишдаги барча буюкларимиз қатори улуғ шоиримиз ижоди билан ҳам қизиқаяпти. Бу табиий ҳол, қизиқиш йилдан-йилга кучайиб бораверади. Шу билан бирга, қизиқишнинг ўзигина кам. Навоийни англашга уриниш, унинг асарларини ўқиб, бир фикрга келиш муҳимдир. Мен бир ижодкор сифатида бу ишимни ана шу йўлдаги бир кўприк деб биламан.

Алишер Навоий ҳақида учта роман ёздим. Бу билан бутун Навоийни акс эттираяпман, деб ўйлаяпманми? Йўқ, албатта. Навоий бир уммон. Қайсидир ижодкор у ҳақда фақат ўз сўзини айтиши мумкин. Ва бу ўша ижодкорнинг таассуроти бўлиб қолаверади.

Жуда кўп олимлар, ёзувчилар Алишер Навоий ҳаёти, ижодига мурожаат қилишган. Улар орасида ҳавас қиладиганлари ҳам йўқ эмас. Бироқ мени афсуслантирадиган нарса шуки, буюк шоирни англаб-англамай, саёз, юзаки ёзилган гапларга кўп дуч келаман. Бу бировни камситиш учун айтилаётган гап эмас, лекин Навоийнинг нашр этилган китобларида йўл қўйилган жуда кўп хатоликларни ҳам учратаман. Ҳолбуки, шу китобларни тайёрлашда ўнлаб олимлар иштирок этишган. «Ишқ аҳли» романимда ҳам бу ҳақда айтиб ўтдим.

**–Ҳақиқатан ҳам, Алишер Навоий асарлари нашрида анча-мунча матн ва имло хатолари учрайди. Бу умумий савиянинг аҳволидан келиб чиқса керак...**

–Бизнинг умумий саводимиз жуда юқори эмаслиги мени кўп ўкинтиради. Дейлик, Навоий **коғаз,** деб ишлатади**,** биз уни **қоғоз,** деб ўзгартиришимиз шартми!? Ёки шоир **кирпигим** дейди, биз уни **кипригим** деб ўзгартирмаслигимиз керак. Баъзи ўринларда шоир **менга** дейди, баъзи ўринларда **манго** дейди. Айрим шеърларида **қора**, айримларида **қаро** келади. Мана, бир мисол:

**Хонумонимни қаро қилди**
**Юзи қора кўнгул.**

Шоир сўзларни икки хилда ҳам ишлатаверади ва бу тилимизнинг нақадар рангинлигини кўрсатади. Бироқ баъзи олимлар бундай сўзларнинг ҳаммасини бир хил қилиб нашр этишади.

Бизнинг тилимиздаги сўзларнинг рангинлиги, шу қадар бойлигини кўрсатиб, Навоий ҳатто, араб ва форс тилларида ҳам бундай ранг-баранг-ликнинг йўқлигини таъкидлайдики, бу ҳам ижодкорлар учун улкан бир сабоқдир.

Бизда шўро давридан қолган бир одатми, иллатми бор. Бобокалонларимиз ижодига мурожаат этганда улардан бир ҳайкал ясашга ружу қўямиз. Фақат уни мақташ керак, деган фикрни маҳкам ушлаб оламиз. Назаримда, буюкларга ёндошганда уларнинг буюклигини тан олган, ҳурматини юксак қадрлаган ҳолда, аслида улар ҳам бир инсон бўлишгани, ҳаётда ҳам, ижодда ҳам учрайдиган муайян кемтиклар уларга ҳам хос бўлганидан кўз юммаслигимиз керак. Дарҳақиқат, Навоийнинг ҳамма асарлари ҳам бирдай юксак даражада дейиш ноқулай, бундай қараш улуғ бобомизнинг тенгсиз буюклигига заррача ҳам зиён етказмайди.

Иброҳим ҲАҚҚУЛ, адабиётшунос

## АФАНДИ ТАСАВВУФГА АЛОҚАДОРМИ?

**–Бугунги кунда навоийшуносликда амалга оширилиши зарур бўлган ишлар нималардан иборат?**

–Биринчи иш Алишер Навоий «Мукаммал асарлар тўплами»нинг (20 жилдли) навбатдаги жилдларини чоп этиш. Ҳозир ўн саккизинчи жилди нашриётга топширилди. Кейинги жилдлар эса деярли тайёрлаб бўлинди. Умуман олганда, навоийшуносликда амалга ошириладиган вазифаларнинг миқёси анча кенг. Масалан, улуғ шоир шеърларига шарҳлар ёзишни яхши йўлга қўйиш жоиз. Янгича тайёргарлик ва кўз қараш билан Навоийнинг санъаткорлик маҳоратини тадқиқ қилиш керак. «Навоий қомуси»ни яратиш учун бошланган ҳаракатни давом топтириш лозим ва ҳоказо.

Албатта, долзарб дея белгиланадиган вазифалар бисёр. Лекин улар қандай муҳитда ва кимлар билан бажарилади? Менимча, аввало, ана шу ҳақда ўйлаш зарур. Биз аҳволни қанчалик яхшилаб кўрсатмайлик, барибир ишнинг олдинга силжиши қийинлашаверади. Чунки ёш навоийшуносларнинг сафи ҳам, сони ҳам кишини қувонтирадиган даражада эмас. Мана, бир неча йилдан буён аспирантурага мумтоз адабиёт мутахассислиги бўйича бирорта ҳам йигит институтимизга ҳужжат топширгани йўқ... Хуллас, адабиётшуносликнинг бош-қа тармоқларидагидек, навоийшуносликда ҳам қандайдир бир узилиш кўзга ташланиб турибди. Боз устига, зиёлиларимизнинг Навоий ижодиётига қизиқишларидан қувониб бўлмайди. Бултур Навоий асарларининг ўн еттинчи жилдида «Насоимул муҳаббат» асари биринчи марта чоп этилди. Бор-йўғи минг нусхада чиққан ушбу нодир китоб ҳам дўконларда турибди. Билмадим, бу ҳолни қандай изоҳлаш мумкин? Бир қарасанг, олиму ижодкорларимизнинг Навоий ҳақидаги таърифу мақтовларидан кўнглинг эрийди, бироқ мутолаага келганда...



**–Бугун ҳаммага маълум сабабларга кўра, шўро замонида тасаввуфни эркин ва зарур даражада ўрганишга имкон бўлмаганди. Энди тасаввуфни ҳам, тасаввуф адабиётини ҳам дадил ўрганаётирмиз. Аммо дадиллик, тезкорликнинг самараси қандай бўлаётир?**

–Дадиллик, тезкорлик бўлсаю, билим, малака, масъулият етишмаса, бу ҳам янги муаммолар, янги-янги камчиликларни юзага келтирар экан. Мумтоз адабиётимиз, жумладан, Алишер Навоий ижодиётини текширишдаги ҳолат бугун тахминан худди шундай. Сўфийликка алоқаси борми-йўқми, бундан қатъи назар, ўтмишда яшаб ижод этган ҳар бир шоирнинг асарларини тасаввуфлаштириш, беш-ўнта диний-тасаввуфий истилоҳ ва ибораларни илиб олиб, уларнинг муаллифларига сўфийлик ёки мутасаввуфлик «либоси»ни кийдириш умумий бир пойгага айланиб қолди, десам хато бўлмас. Очиғини айтиш керак, бу анча ташвишли жараён. Шу маънода, атрофга ҳам бундай назар ташлаб, илмдаги фойдали ва фойдасиз тажрибалар устида мулоҳаза юритсак, асло зарар қилмайди. Туркиялик профессор М.Оқар шундай деб ёзган эди: «Бугун ҳар бир шеърга тасаввуф нуқтаи назар ила қараш истагида бўлганлар адабиётимизни халқдан ажралишга, санъаткорларни унутилиш ва англанмасликка маҳкум қилмоқдалар. Бу йўлдаги ҳаракатлар шунга бориб етдики, ҳатто Хожа Насриддиннинг фикрлари ҳам тасаввуфга кўра шарҳ этилмишдир...».

Қарангки, бизда ҳам унчалик ортда қолиш бўлмабди. Чунки Насриддин Афандини тасаввуфга алоқадор қилиб кўрсатувчи фикр-мулоҳазалар аллақачон матбуотда чиққан эди. Тасаввуфга доир «кимўзар» ёзилган мақола ва тадқиқотлар одамларнинг тасаввуфга қизиқишини бир қадар совутиб бўлди. Энди бебаҳо ҳазинамиз – мумтоз адабиётдан йироқлашувга, санъат дунёси ва санъаткорлик меҳнатига, хусусан, ёшларнинг эътиборсиз бўлишига йўл қўймайлик. Ахир, адабиётшуносликдаги якранглик ва саёзликлар шундай «ошириб-тоши-риш»лардан юзага келади.

Тасаввуфга – тасаввуф, адабиётга – адабиёт деб қарай олиш ҳам оддий ишмас. Тўғри, адабий меросни тасаввуф заминидан ажратиш мумкин бўлмаган шоир ва ёзувчиларимиз бор. Аммо шеъриятни дин, тасаввуф, тариқат ақидалари ва тушунчалари «девори» билан ўраш уни, албатта, халқдан ва ҳаётий-руҳоний таъсирлардан ажратиш демак. Бундан ким ютадию, ким ютқазади? Афсуски, тасаввуф ва Навоий адабий мероси мавзусига даҳлдор ишлар орасида улуғ мутафаккир санъаткоримиз билан шеърхонлар орасини узоқлаштираётган ёки ўртада парда тортаётганлар ҳам оз эмас. Буни жиддий ўйлаш зарур. Хусусан, Навоий шеърларининг мактаб дарсликларидаги шарҳ ва талқинлари, шахсан менинг дилимни ранжитади. Чунки уларнинг аксарияти шеърий матн моҳияти ва ҳақиқатларидан йироқ, анфусий, яъни субъектив фикр-мулоҳазалардир. Шунинг учун кўп ҳолларда уларни ўқувчилар (ўқитувчилар ҳам) ё тушунмайди ёки умуман қабул қилмайди.

Қолаверса, тахминий ва юзаки гаплар билан ёшларнинг кўнглини забт этиб бўлмайди. Улар қорига ўхшаб ёдлашлари мумкин, лекин қалбларида Навоий шахси ва сўзларига муҳаббат ёлқинланмаслиги аниқ.

**–Айни пайтда ўзингиз қандай ишлар билан бандсиз?**

–Ҳозирги асосий иши кўп жилдли «Ўзбек адабиёти тарихи»ни ниҳоясига етказиб, нашр эттириш. Мен ҳам асосан, ана шу иш билан бандман. Бундан ташқари, «Маърифат, руҳоният ва шеърият» номли бир китоб ёзишга анчадан буён уриниб юрибман. Бу китобни, агар имкон етса, шу йил ёзиб тугаллаш мақсадим бор. Ҳозирча уни босиб чиқаришга харидор бўладиган нашриёт топилмай турибди. Оллоҳ насиб айласа, бу ишлар ҳам тезда ўз изига тушиб кетар, деган умидамиз...

Йўлдош ЭШБЕК, шоир

## ИЖОД ЖАВҲАРИ

**–Сизга оддий, жуда оддий бир савол: умуман, ижод инсонга нима беради, хусусан, ҳазрат Алишер Навоий асарлари?**

–Бу савол оддий эмас, ғоят мураккаб савол. Жавоби ҳам узун. Лекин қисқа қилиб айтамизки, ижод – маънавий ҳол ва инсон маънавий ҳолини яхшилайди, гўзал айлайди. Ижоднинг ўзи гўзаллик ва демакки, руҳ озиғидир. Алишер Навоий ҳазратлари каби шоирлар, мутафаккирлар ижодлари қирраларини васф этадиган бўлсак, тугатиш қийин, улар ижоди дунёга келиб кетиш сири, ҳикмати хусусида ўйлашга, тафаккур этишга ундайди. Илму ирфон, маърифат Яратганни танишга васила бўлса, ижод, санъат, хусусан, ҳазрат Навоий ижоди бу йўлда инсон руҳини, қалбини, шуурини, бир сўз билан айтсак, кўнглини юксалтиради. Мана шу «юксалиш» ичида поклик ҳам, қувват ҳам, камолот ҳам, жами эзгу хислатлар мужассам. Бу кўнгил орифидир, яъни улуғ шоиримиз ва устозлари ижод боғининг кўрки, маърифат ва маънавият даъватидир. Бу даъват, қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, улар ижодининг жавҳаридир. Истиқлол шарофати билан юртимизда маънавият ва маърифатга қаратилаётган юксак эътибор замирида ҳам ана шундай ғоят эзгу мақсадлар уйғунлигини англашимиз лозим.

**–Баъзилар Ҳазратни дунёвий шоир десалар, баъзилар тасаввуф шоири, дейишади. Сизнинг фикрингизни билишни истардик.**

–Саволингизнинг ўзида жавоб мавжуд. Аввало, бу саволга дунёвий ва тасаввуфий адабиёт билимдонлари (улар бизда етарли, худога шукр) жавоб берсалар мақсадга мувофиқ бўларди. Шундай бўлса-да, билганимизча, қисқароқ тўхталамиз. Биз ҳам ҳазрат Навоийни дунёвий шоир дегувчилар сафиданмиз, фақат шу маънодаки, тасаввуфдай дунёвий неъмат йўқ, яъни тасаввуф дунёвий неъматлар ичида энг комилидирки, ўзида ҳам дунёвий, ҳам ухровий тушунчаларни гўзал тарзда жаъм этади. Фикримизни ойдинлаштирадиган бўлсак, улуғ шоиримиз ижодини бутунлай дунёвийлаштиришга қўшилмаймиз. Умуман айтганда, «дунёвий» сўзига кўп ҳам урғу бермаслигимизнинг сабабларидан бири шундаки, жаҳон миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, айрим адабиётларда ахлоққа уйғун келмайдиган (порнаграфик, яланғоч манзаралар) ҳолатлар ҳам мавжуд. Ҳазрат Навоий ижоди эса ахлоқий дорилфунундир. Шунинг учун ҳам у зотга ва унинг ижодига нисбатан «тасаввуф» сўзини қўллаш ҳам бир ахлоқий иш, деб ўйлаймиз. Масалан, унинг жуда ҳам ёшлигида битган ўша машҳур шеърини қарайлик:



**Оразин ёпғоч кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,**
**Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғоч қуёш.**

Дунёвий маъноси юзини (қуёшдай) яширгач, (юлдуздай) кўп йиғладим, деган, бадиийлашган хабардан иборат ва шунинг ўзи ҳам ғоят гўзалки, уни шундай тушинувчилар фикрини мутлоқо инкор қилмаган ҳолда, биз бу сатрларни сал ўзгачароқ англашга уриниб кўрайлик. Шоир ёниб куйлаётган бу Буюк Ҳижрон ҳазрат Румий ва бошқа сўфийлар бағрида қоврилган ўша Бепоён (туюлган) Ҳижронга (Ошиқ билан Маъшуқ орасидаги ҳижрон) жуда яқин, деярли бир маънавий ҳолдир. Тасаввуфнинг ўзига хос шартлиликлари, рамзлари, тамсиллари борки, бунинг ўзи алоҳида суҳбатни тақозо этади. Тасаввуф – ҳол, ишқдир, унинг ҳақиқатини биз билмаймиз, унинг ҳақиқатини аҳли ҳол, аҳли ишқ билади – ушшоқ билади. Биз у зотлар ёзганларидан келиб чиқиб айтамиз ёки айтганларини айтамиз. Ёки у зотлар ҳақида айтганлар ҳақида айтамиз. Масалан, машҳур «Муножот»дан:

**Эй, Навоий, бода бирлан хуррам эт кўнгил уйин,**
**Не учунким бода кирган уйга қайғу келмади –**

байтини тўғридан-тўғри, зоҳиран қандай бўлса шундайича (энди буни шарҳ ҳам деб бўлмайди) кўрсатишга ҳаракат қилинса, биз ажабланамиз. Яъни: май ичсанг кўнглинг тинчланади, қайғунг кетади, ишқ ғавғоларини унутасан қабилидаги гаплар ёшларга қандай таъсир қиларкан? Бу қадимий ва замонавий фалсафамизга мувофиқми? Ахлоққа-чи? Ҳазратни шунчалик «ер»лаштириш, «ўз»лаштириш ўринли бўладими? Ахир, дунёвий шеърлар табиати ҳам буни кўтармаса керак, деб ўйлайман. Мана, Аҳмаджон, деразангиз олдида гул бор, у шеърга солинса, энди унинг ранги-туси ўзгаради, ҳатто ўзгачароқ бўй кўрсатади, ўзгача фикрлар ташийди, ўзгача кечинмалар уйғотади. Образ. Тўғримасми? Бизнингча, юқоридаги сатрларда шоир «ваҳдат майи»ни куйлаяпти: кўнглингга ишқи ҳақиқийни жойлаки, ғамга ўрин қолмасин, кўнгил уйинг хуррам, мустаҳкам бўлсин! Бу ҳам образ. Бундай талқин барчага бирдай ижобий таъсир этади, деб ўйлайман. Шу нуқтаи назардан ҳам юқорида айтганимиз «Муножот»и каби ҳазрат Навоийнинг бутун ижоди инсонга ёрдамчидир. Кўнгил қўрғонини мустаҳкам асрашда, поклашда инсонга кўмакчидир.

Устоз адибнинг жуда кўплаб катта-кичик жанр-лардаги асарлари илдизи ислом ва тасаввуфнинг маърифий-маънавий манбаларидан озиқланиб, сув ичишини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқдир. Навоий устози, ҳазрат Абдураҳмон Жомийга муршиди комил, пир сифатида муносабатда бўлгани тарих китобларидан маълум. Валийлар – кароматি ботин ва каромати зоҳирдирлар. Ҳазрат Навоий ҳар иккисига мансуб валий зот дейишга (бу тасаввуфсиз мумкин эмас) журъат этамизки, ҳужжат – ижоди, далил – сўз билан намоён бўлган кароматларидир. Зотан, шоир ёзади:

**Қилиб Ҳақ вужудида маҳв ўз вужудин,**
**Навоий, муни бил тариқи тасаввуф.**

**–Алишер Навоий ижодининг санъаткорларга таъсири ва бу буюк ижод намуналарини теранроқ ўрганиш йўллари ҳақида қисқача тўхталсангиз.**

–Ҳазрат Навоий ижодининг ўз замонидаги санъаткорларга таъсири ҳақида кўп ва хўп айтилган, такрорлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Ватанимиз мустақилликка эришгач, улуғ бобомиз ижодиётини ҳар тарафлама ўрганиш, кенг тарғиб, ташвиқ қилиш имконияти яратилди.

Энди шоир ижодини ўрганиш масаласига келсак, назаримда, уни фақат луғат ёрдамидагина ўрганиш мушкул иш. Олимларнинг унинг асарларига ёзган шарҳлари билан чуқурроқ танишиш бу борада яхши ёрдам беради. Лекин бу билан ҳам муддао тўла ҳосил бўлмайди. Тасаввуфни, ислом фалсафасини, оят ва ҳадислар мазмунини яхшироқ ўрганиш керак, деб ўйлайман. Мана шу илмларни жаъм этгач, Навоий ва бошқа мутасаввиф шоирлар ижоди кўз ўнгимизда ўзгача очила бошлайди.

Газетангизда шоир ижоди ҳақида мақолалар, «Бир ғазал шарҳи» рукнидаги материаллар мунтазам бериб борилса, бир ғазалга, ҳатто, икки-уч оламнинг шарҳи ёритилса, бу иш, шубҳасиз, самара бериши мумкин. Самара берди, дегани юрт гуллади, эл камолот мевасига етди, деганидир. Навоий ижодининг ўз даври санъати ривожига таъсири, бошқа халқлар маданиятига ижобий таъсири фикримизнинг далилидир.

Аҳмад ОТАБОЕВ ёзиб олди.

# УНУТИЛМАС СОРА ОПА

Сора Эшонтўраева ажойиб инсон, юксак талант соҳибаси эди. Яхши яшади, ибратли ижод қилди. 87 йиллик умрининг деярли етмиш йили театр саҳнасида ўтди. Ўйга толаман, Сора опа қандай қилиб дунёвий образлар ярата олди? У улуғ санъаткорлар таълимини олган эди, Комиссаржев- ская, Ермолова ва мен номларини ҳозир эслай олмаётган юзлаб жаҳонгашта санъаткорлар ҳаётини, маҳоратини ипидан-игнасигача ўрганган эди. Ҳаётни пухта биларди, машқни, тинмай ўқиб-изланишни жойига қўйиб-қўярди у.

Сора опа шу қадар эҳтиросли, таъсирчан, ҳаяжони кучли актриса эдики, суҳбатларимиз чоғи бирон ачинарли воқеани ёдга олсак, кўз ўнгимда у изтиробдан нақ бахтсиз Жамила ё маъсума Офелия, шоиртабиат Гули, балким содда Дездемонанинг худди ўзи бўлиб қоларди. Яна бирон қизиқ гап айтсам, шу заҳоти чеҳраси гул-гул очилиб, яйраб-яйраб кулиб, жозибали ўзбек аёлига айланарди-қўярди.

—1964 йили Англияга, улуғ драматург Уилям Шекспирнинг 400 йиллик юбилейига борганимни айтиб берайми, – деди бир куни Сора опа, – Стратфорд шаҳрида (Шекспир туғилганида исми қўйилган ва вафот этганида шу ерга кўмилган) ҳамда унинг маҳобатли бюсти ўрнатилган ибодатхонада бўлдик. 117 мамлакатдан келган меҳмонларнинг ҳаяжонлари, гулчамбарлари, қўнғироқлар саси, Шекспир ҳақидаги ҳикоялар жуда ғаройиб манзара касб этди. Эйвон дарёси бўйига эса Шекспирнинг зўр ҳайкали ўрнатилиб, тўрт қирғоғига унинг қаҳрамонлари – Ҳамлет, Ромео, Жулйетта ва Ричард II ларга ҳайкал қўйилган. Чор-атроф турфа гулзор. Дарёда оппоқ ғозлар сузиб юрипти.

Оҳ, оҳ, Шекспирнинг “Генрих IV” спектаклини кўрганларимиз. Улардаги саҳна маданияти, саҳна техникаси, актёрлар ижроси, уларнинг нафис, чаққон ҳаракатлари қойил қоладиган даражада эди. Саҳналар шу қадар тез уланадики, илғамай қоласиз. Актёрлар ҳолатдан чиқмай, бир зумда саҳна ишчиси вазифасини ҳам бажариб қўйишаркан... Кейин ўша актёрлар билан учрашдик, суҳбатлашдик. Мен таржимон орқали улардан кўп гапларни сўраб билиб олдим...

Эътибор беринг, инглиз санъаткорларидан маҳорати сирини сўраб, ўрганишдан тортинмаган, Сора опа.

—Эртасига биз ҳам маҳоратимизни кўрсатдик, – дея давом этган эди суҳбатдошим, – биласизми, мен жуда бахтлиман. “Ҳамлет”дан Офелиянинг ақлдан озиш кўринишини ижро этганимда Лондоннинг машҳур санъаткорлари, меҳмонлари мени гулларга кўмиб юборишди...

Мен мана шундай кунни орзу қиламан. Миллий театримизнинг яна қайсидир санъаткори буюк бир мамлакатнинг азиз меҳмони бўлишини, Сора опадек ҳурмат-эъзоз топишини орзу қиламан.

Ҳа, Сорахоним эл-юртларни кўрган, катта мартабаларга эришган, бир умр ўзбек драма театри санъатини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб яшаган санъаткор эди. У доим баланд руҳ билан яшарди. Яхши ният, ширин орзу, олдинга интилиш – ҳаётининг ҳамдами эди. Сора опа ҳамма одамларни севарди, ҳеч қачон бирга ишлаган ҳамкасбларидан нолимасди. Аксинча, уларнинг фазилатларини, маҳоратларини мақтагани-мақтаган эди. “Рихсихон жуда яхши актриса, битта ўргатганингни илиб олади-я! Ёқуб Аҳмедов ақлли йигит, меҳр-оқибатли. Ўзи театр учун туғилган. Икромахоним оналар образини қийиб қўяди-да. Жамшиднинг кўзидан ҳақиқий ёш чиқади, саҳнада...”



Сора опанинг уйлари озода, саранжом-саришта бўларди. У ҳеч қандай дабдабасиз, камтарона ҳаёт кечирди. Бу хонадонда фақат ижод, фақат ўқиб-ўрганиш ва гоҳо Яйрахоним Абдуллаева билан шахмат мусоҳабаси давом этарди.

Сора опа инсон учун энг зарур фарз – уволга йўл қўймасдилар, айни вақтда бирон шошиб турган меҳмонни ҳам иссиқ таомсиз кузатмаганлар. Тежаб-тергаб, йўқни ҳам бор қилиб, жиндеккина масалликдан хўб чиройли дастурхон тузардилар. Ҳар гал ишхонамга сим қоқиб, янги спектаклга таклиф қилганларида қанчалар севинганимни билсангиз эди.

–Уйингиз анча узоқ, Санъатхон, – дердилар, – спектаклдан сўнг бирга қайтамиз-а бизникига. Бекмирзажонга айтиб келинг. Болаларга бир кун қараб турсинлар. Сизни жуда соғинганман! –дер эдилар янада севинтириб.

*Устодлар*

Бирга уйларига қайтарканмиз, биринчи ўринда томоша ҳақидаги фикрларимни сўрардилар. Мен таассуротларимни сўзлаб тугата олмасдим. Шунда Сора опа: "Фалон куни ана шу спектакл бўлади, ишонинг, бугунгидан яхшироқ ўйнаймиз! Албатта келинг!" – дердилар.

Шундай қилиб, мен “Ғариблар”, “Шошма, қуёш”, “Шоҳ Эдип”, “Алишер Навоий”, “Қиёмат қарз”, “Юрак сирлари” каби ўнлаб спектаклларнинг ҳар бирини уч-тўрт қайта томоша қилиб, ҳар гал ўзгача бир таассурот олардим. Энг муҳими, бу Сора опа ҳақидаги китобимнинг ҳаётий чиқишига ёрдам берарди.

–Эҳ, Санъатхон! – дедилар бир куни ҳаяжон билан энтикиб, – сиз ёнимда бўлсангиз, менинг ҳам ёзгим келади. Биласизми, уч юзга яқин образларимнинг ўз тарихи, тақдири, машаққати бор. Шу ҳақда ёзгим келади. Устозларим Аброр ака, Уйғур оға, Етим Бобожонов ва менга ҳамқадам, суянч тоғи бўлган ҳамкасбларим, шогирдларим ҳақида ёзгим келади. Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев, Мария Кузнецова, Замира Ҳидоятова — ҳар бири бир жаҳон!

Хуллас, катта бир мемуар ёзмоқчиман. Ёрдам берасизми? Мен, ҳар ҳолда, қалам соҳиби эмасман.

—Қўлимдан келса, жоним билан! – дея ваъда бердим.

Етмишинчи, саксонинчи йиллар қанча тунларни биргаликда бедор ўтказдик. У киши сўзлайди, мен калаванинг учини топиб, ёзаман. Кундузлари ўз юмушларимизга кетамиз. Баъзан хизмат сафарида бўлиб учраша олмасак, ўзлари нималарнидир қоралайдилар. Кейин мен таҳрир қиламан, қайта ёзаман. Хуллас, неча йиллик ижодий машаққатлар эвазига каттагина мемуар яратилиб, уни Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётига опа ўз қўли билан топширган эди. Китобнинг нашр этилишини умид билан кутди. Лекин қоғоз йўқлиги учун мемуар босилмай қолиб кетди. Миллий театримизнинг бой тарихини, умуман, ўзбек театри санъатини, бир буюк актриса маҳоратини, ижод йўлини ифодалаган бу асар нафақат мухлислар, санъаткорлар учун, балки санъат институти талабалари учун ҳам яхши дарслик бўлиши мумкин. У албатта чоп этилиши керак. Сора Эшонтўраеванинг уйида юзлаб ажойиб фотолавҳаларни, эсдаликларни, жаҳон санъаткорларининг юксак баҳолари ёзилган қўлёзмаларни, у кишининг бой кутубхонасини, юзлаб албомларни кўрганман. Кўплаб юбилейларда совға қилинган бебаҳо кийимлар, буюмлар, идишлар... Қани энди шаҳар марказидаги шу қутлуғ даргоҳ уй-музейга айлантирилса...

Сора Эшонтўраеванинг номи, маҳорат мактаби миллий театримизда, шогирдлари хотирасида, халқимиз қалбида яшаб қолишига ишонаман. Бинобарин, ёш санъаткорлар ўзларининг бетакрор мураббийларини эслаб, уларнинг руҳи қўлласин, деган пок ниятлар билан муборак саҳнага қадам қўйишларига ҳам шубҳам йўқ.

**Санъат МАҲМУДОВА**

«O`zAS»

## Дунё – кенг...

### ФИРЪАВНЛАР ҚАРҒИШИ

**Қарғиш текканни ари чақса ҳам ўлармиш. Бундай ўлимга арининг чаққани сабабми ёки баҳона? Балки гап қарғишдадир? Фиръавнларнинг қарғиши урганлар ҳақида эшитганмисиз?**

Яқинда Италиянинг Турин шаҳридаги Миср музейини томоша қилиб, уйига қайтаётган ўн ёшли уч нафар қизалоқ туйқусдан бошлари қаттиқ оғриб, кўнгиллари айниб, ҳушдан кетиб қолишди. Улар музей залларида узоқ айланишиб, қадимги мўмиёланган жасадларни томоша қилишган.

Шу воқеа сабаб бўлиб, яна “Фиръавнлар қарғиши” ҳақида гап кетди. Маълумки, кўҳна Миср сағаналарида: кимки фиръавнларнинг мангу оромини бузса, уни қарғиш уради, деган битик ёзилган. Бу ёзув шунчаки эҳтиёткорлик важидан битилмаганига тарих гувоҳ. 1922 йили англиялик археолог Картер фиръавн Тутанхамон қабрини очган эди. Шундан сўнг етти йил ичида бу қабрни очганлардан 29 нафари ўлим топди. Улар орасида археолог билан бирга сағанага кирган, қазишмага ҳомийлик қилган лорд Карнарвон биринчи бўлиб жон таслим қилди.

Ўнлаб йиллар мобайнида мисрлик олимлар Картер ҳамроҳларининг ўлими сабаби тагида қандай сир ётганини билишга уринишди. 1963 йили микробиолог Изеддин Таха узоқ йиллар мобайнида олиб борган кузатишларини хулосалаб, археолог ва музей ходимларининг организмида микроскопдагина кўзга ташланадиган замбуруғлар – микотоксинлар (заҳар) борлигини эътироф этди. Етилмаган, хом дон сақланадиган жойда бу микотоксинлар тез кўпаяр экан, Фиръавнлар сағаналарига, одатга кўра, марҳумнинг “нариги дунёси учун” ана шундай дон солинган идишлар қўйилган. Микотоксинлар одам организми иммунитетини ишдан чиқаради ва бунга чалинган киши оддий тумовдан ҳам вафот этади. Чунончи, лорд Карнарвон арининг чаққанига ҳам бардош беролмай вафот этган.

1996 йили мисрлик олимлар “фиръавнлар қарғиши” билан боғлиқ яна бир сирни очишди. Маълум бўлишича, фиръавнлар мўмиёси енгил радиоактив нурнинг манбаи экан. Чамаси, қадимда мисрликлар мўмиёга таркибида радиоактив моддаси бўлган қоришмалар билан ишлов беришган. Зич қилиб бекитилган Тутанхамон сағанасида ўттиз уч аср мобайнида йиғилган радиация сағанада дастлаб иш олиб борган кишиларни нурлаган. Шунингдек, микотоксинлар ҳам уларнинг иммунитетини сусайтириб, умрлари қисқаришига сабаб бўлган.

### БЕКАСИНИНГ ДАРДИНИ ОЛГАН МУШУК

**Молдованинг Окница шаҳрида яшайдиган эллик саккиз яшар аёл Мария Чаос мушукни ўзининг халоскори деб билади. Мушук уни нариги дунёдан қайтарган, шундан сўнг, жониворнинг ўзи жон таслим қилган.**

Воқеа қуйидагича рўй берган: Мария Чаос одатидагидек уйида рўзғор юмушларини бажариб юрганда қўққисдан кўкрагида қаттиқ оғриқ туриб, ҳушини йўқотиб йиқилади. Дарднинг зўридан у ўлаётганини зўрға ҳис этиб, ҳаёт билан видолашиш чоғи етганини англайди. Шу пайт унинг суюкли мушуги беҳуш ётган бекасининг кўкрагига чиқиб, кулча бўлиб, айни оғриқ тутган жойга ўтириб олади. Бахтга қарши бу пайт уйда ҳеч ким бўлмайди. Бека шу ётганича бир кун ётади. Қариндошлари хабар топиб, уйга киришганда Мариянинг кўкрагида тош қотиб ўтирган мушукни кўришади. Касалхонада беморга тиббий ёрдам кўрсатишади. Мушук эса ўлади. Бекасининг иқрор бўлиб айтган гапларига қараганда, унинг тирик қолишига мушуги сабабчи бўлган экан. Жонивор стенокардияга учраган бемор аёлнинг кўкрагига йиғилган зарарли энергияни шундоқ “ўзига тортиб олган”. Бекасининг дардини олган мушук “ортиқча юк”ни кўтара олмай жон берган.

### ТОШМЕҲР ДАҲО

**“У ўзининг энг яқин кишиларининг “қонини ичарди”, уларнинг "қон"и эвазига ўзининг машҳур полотноларини чизар эди”, деб хотирлайди буюк мусаввир Пабло Пикассо ҳақида унинг невараси Марина Пикассо.**

Чиндан, жаҳон тасвирий санъатида мактаб яратган буюк рассом Пабло Пикассо XX аср мусаввирларининг даҳоси ҳисобланади. Унинг рус аёлидан туғилган ўғли Паулонинг қизи Марина Пикассонинг яқинда Парижда чоп этилган китоби тенгсиз санъаткорнинг инсон сифатидаги қиёфасини чуқурроқ тасаввур этишга ёрдам беради.

Марина болалик чоғида отаси Пауло билан улуғ мусаввир бобоси қароргоҳи – “Калифорния” вилласига борганларини эслайди. Бирор марта у бобосининг остонасини ҳатлаб, ичкарига киришга муваффақ бўлолмаган. Паблонинг ўз ўғлига кўрсатган “ҳунарлари”, уни жеркиб, тупроқ билан тенг қилиб ҳақоратлаганлари, умуман, атрофидагиларни сариқ чақага олмаслиги, айниқса, туғишганларининг хоҳиш-иродасини шафқатсиз топтаб ташлашлари Марина Пикассонинг китобида жуда таъсирчан баён этилган. “Мен ўлганимдан сўнг тўфон қўпади, – дер эди ўлими олдидан бобом, деб хотирлайди М.Пикассо, – худди ғарқ бўлаётган кемадай мен ўзим билан бирга йўловчиларни ҳам сув остига олиб кетаман”.

Пабло Пикассонинг бу мудҳиш башоратлари, афсуски, рўёбга чиқди, деб ёзади Марина. Мусаввирнинг ўлимидан сўнг бир неча кун ўтиб невараси, Маринанинг суюкли акаси Паблито заҳарланиб қазо қилади. Кейин отаси Пауло, яъни мусаввирнинг ўғли вафот этади. Орадан кўп ўтмай хуштори Мария Тереза-Вальтер ўзини осиб қўяди. Шундан сўнг мусаввирнинг охирги хотини Жаклин Рок ўзини манглайидан отади, яна бир хуштори Дора Маар қашшоқликда, абгорликда дунёдан ўтади. Булар барчаси буюк мусаввирнинг қаҳри қаттиқ, туғишганлари, фарзандлари ва яқинларига нисбатан ниҳоятда тошбағир бўлганлигидан дарак беради. “Мен бобомга отамнинг назари билан қараганимда у жуда очкўздай, онамнинг кўзлари билан қараганимда эса ҳиссиз, бемеҳр бўлиб кўринарди. Хуштори Жаклин бизни унинг олдига йўлатмасди, бобомнинг эса биз невараларига қараш, эркалаши учун Олимп чўққисидан тушиб келишга вақти йўқ эди”, деб ёзади Марина Пикассо.

---

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси

**Одилжон НОСИРОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига таъзия изҳор этади.

---

«Ўзбектеатр» бирлашмаси ва Театр ижодкорлари уюшмаси С.Айний номидаги Бухоро вилоят театри актёри, Ўзбекистон халқ артисти

**Назокат НЕЪМАТОВАнинг**

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқин биродарларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

---

**Зариповлар сулоласининг донғи дунёга кетган. Ўзбек циркининг бобокалонларидан бири, Ўзбекистон халқ артисти Карим Зарипов ва унинг шогирдлари иштирокидаги “Ўзбекистон чавандозлари” томошаларини юртдошларимиз фахр билан эслашади. Улар от устида ақл бовар қилмайдиган мураккаб машқларни маҳорат билан ижро этишарди.**

**Чавандозлар сулоласи ва ўзбек циркининг бугунги муаммолари ҳақида суҳбатлашиш учун Зариповлар сулоласининг вакили, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Карима Зарипова ҳузурида бўлдик.**

*Карима ЗАРИПОВА:*

# ОТ – ЧАВАНДОЗНИНГ ҚАНОТИ

***–Халқимизда “Ота касби – давлат” деган нақл бор. Ота-она меҳрини қозониб, улар бошлаган ишни давом эттирган фарзандлар қадимдан элда азиз ва мукаррам бўлган.***

– Дарҳақиқат, Зариповлар оиласида туғилиб, вояга етганим – менинг энг катта бахтим бўлса керак. Негаки, ибратга арзигулик ҳаёт йўлини босиб ўтган Карим бобом ва Муборак бувим, отам Фахриддин ака ва аям Холидахон эл суйган санъаткорлар эдилар. Муборак бувим ўзбек аёлларидан биринчи қизиқчи ва от ўйинчиси сифатида донг таратган бўлсалар, уларнинг қизлари – онам беш фарзандни вояга етказиш билан бирга, ўзбек цирк санъатининг маликаси сифатида маълум ва машҳур эдилар.

Менингча, инсон қайси касбга меҳр қўймасин, шу соҳада ўз истеъдодини тўла намоён этишга ҳаракат қилиши керак. Бобом Карим Зарипов чавандоз бўлиб танилганларида менингча чавандозлар сулоласини яратишни мақсад қилиб қўймаганлар. Балки, бобом ва бувимдаги отга бўлган меҳр-муҳаббат уларнинг фарзандлари ва невараларига кўчган, холос.

Масалан, мени уч ёшимдан отга ўтқазишган бўлса ҳам, кейинчалик чавандоз бўлишимга ота-онам қаршилик қилишган. Чунки мен хореография билим юртини, кейин институтнинг режиссура факултетини тугатган эдим. Аммо ота-онам ўйлагандек бўлиб чиқмади. Айтишларича, ўжар ва қайсарлигим бобомга ўхшармиш. Мени бобомнинг исм лари билан атаганлари ҳам бежиз бўлмаса керак.

Таниқли қизиқчимиз, Ўзбекистон халқ артисти раҳматли Акром Юсупов отамга: "Каримадан катта артист чиқади", – деб айтардилар. Оиладаги беш фарзанд ичидан мен, Ойдинхон опам ва Улуғбек акам Зариповлар сулоласининг давомчилари сифатида эл-юртга танилдик.

***–Отга ҳар хил таъриф беришади. Кимдир уни гўзаллик тимсоли деса, кимдир бахт ва тинчлик рамзи деб билади. От билан тиллашган чавандоз сифатида бу беозор жониворга сиз қандай таъриф берардингиз?***

–Отни меҳр-муҳаббат тимсоли дегим келади. Чунки отга меҳр қўйган кишигина уни тушуна олади. Қолаверса, от ҳам ўша инсонга вафодор ва садоқатли бўлади. 25 йилдан ошиқ вақт давомида ўзимнинг севимли "Уфқ" лақабли отим билан циркда ишладим. Уни уч ёшлигида сотиб олганман. Ниҳоятда гўзал ва оппоқ бўлгани учун “Осмонбек” деб атадим. Умримнинг тенг ярми отхонада кечган, десам муболаға бўлмас. Ишонсангиз, отим билан бемалол гаплашардим. Унга қараган заҳотим кайфиятини, соғлиғини, ўзини қандай ҳис қилаётганини дарров сезардим. Ўз навбатида отим ҳам мени тушунарди ва ҳамиша мени аярди. Мен буни ич-ичимдан ҳис этардим. Осмонбекка турли рақсларни ўргатиш жуда осон кечарди. “Қиз бола", "Наманганнинг олмаси", "Андижон полкаси" каби шўх мусиқаларга жуда чиройли ўйнарди. "Баҳор" рақс ансамблидаги икки йиллик фаолиятим бу борада катта ёрдам берди. Осмонбек билан бутун дунё цирк саҳналарида томоша кўрсатиб, томошабинлар меҳрини қозонганим, цирк артисти сифатида танилганим учун ўзимни энг бахтли аёл деб биламан.



*Учрашув*

Афсуски, отимдан айрилганимга уч йил бўлди. Ўша кунни ҳаётимдаги энг бахтсиз кун деб аташ мумкин. Бу айриликни кўтариш осон бўлмади. Анча вақтгача касалхонада даволанишимга тўғри келди. Чавандоз учун энг яқин дўст – от бўлиши мумкин холос.

***–Кейинги пайтларда ўзбек чавандозларининг чиқишларини кам кузатаяпмиз, назаримда. Бунга нима сабаб?***

–Тўғри, ҳозирги кунда нафақат чавандозлик, балки умуман, циркимиз анча оқсаб турибди. Унинг нуфузини тиклаш учун бизда барча имкониятлар етарли, фақат бу соҳага эътибор керак. Масалан, цирк артистлари фақат Ўзбекистонда эмас, Ўрта Осиёда ягона бўлган Тошкент-эстрада цирк коллежида таҳсил олишади. Коллежнинг эса, ўз ётоқхонаси йўқ. Цирк артистлари коллежни битиргач, олий маълумот олишлари зарурлигини ҳам ўйлаб кўриш керак..

Уч йилдан буён шу коллежнинг цирк бўлими мудири ва концерт ишлари бўйича директор ўринбосариман. Талабаларга чавандозлик сирларини ўргатаяпман. Ўқув юртимизнинг фаолият доираси янада кенгаяди, деган умиддаман. Циркимиз ўз мавқеини тиклашига ишонаман.

***–Зариповлар сулоласининг янги изланишлари ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.***

–Цирк артистларидан энг аввало фидойилик ва садоқат талаб этилади. Бу соҳага ўзини, бутун борлиғини бахшида этган инсонгина циркда яшаб қолиши мумкин. Ўзбек циркининг истиқлол даври қиёфаси, назаримда, энди шаклланяпти. Ўзимизнинг миллий ва халқона санъатимизни тўла намоён этиш вақти келди. Бунинг учун фақат меҳнат ва тинимсиз изланиш керак.

Ўзимга келсак, уч йилдан буён цирк аренасида чиқмаётган бўлсам-да, у ердаги фаолиятимни тўхтатганим йўқ. Цирк қошида “Карима” болалар цирк студиясини ташкил этганман. Бу ерга болаларни беш ёшдан бошлаб қабул қиламиз. Ҳозир бизда қирққа яқин бола акробатика, гимнастика ва чавандозликдан сабоқ олмоқда. Ўғлим Алишерзод ҳам чавандоз. У эстрада-цирк коллежини тугатиб, Тошкент ирригация институтида таҳсил олаяпти. Алишерзод "Амир Темур" бадиий филмида Соҳибқироннинг иккинчи ўғли ролини ижро этган. Шунингдек, у билан бирга турли филмларда каскадёр сифатида қатнашганмиз.

Ойдинхон опам машҳур Тошкентбоевлар оиласига келин бўлиб тушганлар. Опамнинг ўғиллари Шокиржон ҳозир Германиядаги циркларнинг бирида шартнома асосида ишлаяпти.

Тоғам, Ўзбекистон халқ артисти Ҳаким Зарипов яқин кунларда циркда чавандозлар гуруҳини очмоқчилар.

***Хуллас, Зариповлар сулоласи ҳамиша изланишда. Суҳбатимиз ниҳоясида уларга янги ижодий ютуқлар тиладик.***

**Суҳбатдош: Адиба ҲАМРО қизи**

---

# УЗОҚНИ КЎЗЛАГАН ОДАМ



*Икки оғиз дил сўзи*

Элликка кирар-кирмас сочлари оқариб кетган бу... инсоннинг болалиги бўлмаган: тоға жиянга қанчалик меҳрибон бўлмасин, у ҳеч қачон ота билан онанинг ўрнини босолмайди. Тўғри, тоғанинг ҳузурида жиян очдан ўлмаслиги, яланғоч қолмаслиги мумкин. Аммо, етим жияннинг товонига кирган тикан тоғанинг юрагига санчилмайди. Тоштемир ака Турдиев эсини таниганидан бошлаб қушнинг боласига ўхшаб ўз қаноти билан учишга ҳаракат қилди.

Унинг болалик йиллари очарчилик ва қаҳатчиликка тўғри келади. Тоштемир ака тенги авлод ҳам Мурод Муҳаммад Дўстнинг “Лолазор” романидаги Назар Яхшибоевга ўхшаб дилидагини тилига чиқармайдиган бўлиб етишди: эсингизда бўлса, Назар Яхшибоев ошна у ёқда турсин, ҳатто хотинига ҳам чин гапни айтмайди ва бунинг учун замондан бўлак ҳеч кимни айблаб бўлмайди.

Тоштемир ака ўрта мактабни тугатар-тугатмас Бухородаги ўқитувчилар тайёрлайдиган институтга ўқишга кирган, муаллимлик касбини танлаган. Сўнг Деновдаги “Ғалаба учун” газетасига ишга ўтди ва жудаям қисқа пайт ичида “Тоштемир Турдиев”га айланди.

Ўтган қирқ йил Тоштемир акага фақат ва фақат зафар келтирди деб бировни, ҳатто устознинг ўзини ҳам ишонтириб бўлмайди. Бу таъриф ҳатто лофга ҳам ўхшаб қолади. Аммо, гапнинг чинини айтадиган бўлсак ўтган асрнинг 60-йилларидан то ҳозирги қадар Тоштемир ака барча ўлчовлар ва барча вазиятлар бўйича орқага чекиниш нималигини билмасдан умр кечириб келмоқда. Ваҳоланки, бу даврда мамлакатда тузум ўзгарди. Деновда эса Эгамберди Мавлонов, Нурмамат Эшмаматов, Жаббор Чориев, Ҳумойиддин Шарофуддинов, Қурбон Эшбоев, Эшмурод Турдиалиев, Тилла Менглиев, Эшниёз Рустамов сингари бир-бирига ўхшамайдиган, ижтимоий-инсоний мезонлари бирбирига зид инсонлар раҳбар бўлиб ишладилар. Бу пайтлари Тоштемир ака туманда эътиборли лавозимларда ишлаб, муҳим масалаларни ҳал этди.

Баъзи тенгдошларга ўхшаб тўлқинлари қайиқча-пайиқча билан ғарқ бўлиб кетмаслик учун қанча ҳаракат лозимлигини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Яқинда ҳисоблаб кўрсак, 60-йиллари Тоштемир ака билан иш бошлаганларнинг ҳаммаси, биласизми, ҳаммаси фаол ҳаёт саҳнасидан тушиб кетибди: биров пиёниста, биров пора билан қамалиб кетган, яна биров раҳбарларга ёқмай қолиб... панд еган. Аммо Тоштемир аканинг олтмишга кириб ҳам шашти қайтгани йўқ — туяни миниб узоқни кўзлайди.

Эсингизда бўлса, илгарилари олимлик катта мартаба ҳисобланар, ҳатто тўйда ҳам илмий даражаси бор кишига алоҳида илтифот кўрсатилар эди. Тоштемир ака 1974 йили филология фанлари номзоди деган илмий даражани олмоқ учун илмий ишни муваффақиятли ёқлади. Профессор Муҳаммаднодир Саидов Тоштемир акага устозлик қилган эдилар. Бу устоз – шогирд кўп йиллар бир-бирига суяниб, бир-бирини соғиниб юрди.

Тоштемир ака Деновдай сер ғалва туманнинг масъул лавозимларида ишлаб туриб ҳам халқ оғзаки ижодига бағишланган китоблар тайёрлади ва уларни Тошкентда чоп этди. Нормурод Нарзуллаев билан ҳамкорликда амалга оширилган шоира Раъно Узоқова ҳақидаги тадқиқотларини мен алоҳида эътиборга лойиқ деб ўйлайман.

Менингча, Тоштемир аканинг энг катта бойлиги – фарзандларидир. Уч ўғилнинг ҳаммаси олий маълумотли. Суюкли қизи Сайёра эса– тарихчи. Рўзғоридан тинчиган Юсуфбек ҳожига ўхшаб Тоштемир ака келинларини сизлайди. Набиралари ҳам бобога меҳрибон. Ўғиллар эса отамиз шундай катта вазифада ишлайди, деб енгил-елпи ҳаёт йўлига кириб кетмаган: ҳар бирининг ўз ҳунари бор. Олимжон – қурувчи, Нодир – муҳандис, Баҳодир – шифокор. Хуллас, ҳар ким Тоштемир акага бемалол ҳавас қилиши мумкин.

Айтмоқчи, устознинг бир марта афсусланганини кўрган эдим. Тўхтамишда истиқомат қиладиган, ўзи битта амакиси қазо қилганда, табиийки, Тоштемир ака дарров етиб боради. Мусибат кунлари акасининг жуда ғарибликда кун кечирганини, уйида биронта патли гиламни йўқлигини кўради.

Дунёда яшашнинг ўзи ҳам катта санъат эканлигини кўпда билавермаймиз. Бу ҳақиқатни англамоқ учун Азозилнинг қўнғироғини кутиб ўтириш шарт эмас, чоғи.

**Т.РЎЗИЕВ**

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O`zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 133-49-93; 136-56-56
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93
Санъат бўлими: 136-56-48 Наср ва назм бўлими: 136-56-50

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Мурод АБДУЛЛАЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Маҳмуд САЪДИЙ
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00024-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г. — 3109. Ҳажми — 3 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Тиражи—6365.